

Ҳожи биродаримга мактуб

Яҳё ибн Иброҳим Ал-Яҳё

Биродарлик туйгуси зиммамдаги
вазифаларни кисман бўлсада адо
этиш учун кўлимга калам олишга,
буюк Ислом динимизнинг туганмас
хазинасидан оз бўлса хам ҳожи
биродарларимни баҳраманд этишга
ундади.

<https://islamhouse.com/۱۳۲>

- [Ҳожи биродаримга мактублар](#)

- Бисмиллахир Рохманир Рохим
- Биринчи мактуб
- Умра амаллари
 - Ихром кийганингиздан кейин куйидаги ишларни килиш ман этилади:
- Хаж амаллари
 - Азиз биродар, Арафотнинг ичида турганингизга аник ишонч хосил килинг ва у ердан зинхор кун ботишидан илгари чикиб кетманг!
- Мадинаи Набавиййани зиёрат килиш
- Иккинчи мактуб
 - Ихром кийиш вактида содир бўладиган хатолар:

- ۹. Мийкотдан масжидул-харомга боришда учрайдиган хатолар:
- ۱۰. Масжидул-харомга киришда учрайдиган хатолар:
- ۱۱. Тавофда учрайдиган хатолар:
- ۱۲. Саъйда учрайдиган хатолар:
- ۱۳. Соч олиш ёки кискартиришда учрайдиган хатолар:
- ۱۴. Тарвия кунида учрайдиган хатолар:
- ۱۵. Арафотга кетаётгандаги ва Арафотда тургандаги хатолар:

- ۹. Муздалифага боришда содир бўладиган хатолар:
- ۱۰. Тош отишда учрайдиган хатолар:
- ۱۱. Минода учрайдиган хатолар:
- Учинчи мактуб
- Тўртинчи мактуб
- Бешинчи мактуб
- Олтинчи мактуб
- Еттинчи мактуб
- Саккизинчи мактуб
- Тўккизинчи мактуб
- Мазкур шартларнинг далили:

Хожи биродаримга мактублар

Бисмиллахир Роҳманир Роҳим

Муқаддима

Бирлик мавжудотнинг Яратувчиси,
Бошкарувчиси, танҳо Ҳукмрони
санолар бўлсин. Яхшиларнинг
хамкори бўлган ягона Аллоҳдан
ўзга ибодатга лойик зот йўк.

Башариятни залолат, гумроҳлик
боткогидан куткариб, хидоят-тўгри
йўл сари элтган Мухаммад алайхис-
солату вассалом Аллоҳнинг суюкли
бандаси ва хак пайгамбариidlар.
Огир ва масъулиятли вазифани
омонат билан, бекаму-кўст адо этган,
умматларининг баҳт-саодати йўлида
жафо чеккан бу зотга хамда ахли-
байтларию сахобаларига, то
киёматгача ул зотнинг йўлларига

чакирган, суннатларига эргашган
барча кишиларга яратганинг
салавоту-саломлари бўлсин.

Хурматли хожи биродарим,
сиз Аллоҳ фарз килган хаж амалини
адо этиш йўлида машаккатлар
чекиб, мол-дунё сарфлаб, довонлар
ошиб, диёрларни тарқ этиб,
кариндош-уруг, бола-чакалар билан
хайрлашиб келган, миллионлаб
мусулмонлар орасида Аллоҳнинг
Уйи-Каъбатуллоҳни зиёрат килиш
бахтига муваффак бўлган
кишисиз. Аллоҳ таоло хажингизни
кабул килиб, гуноҳларингизни
магфират килсин.

Азиз биродар, Мусулмонлар кайси миллатга мансуб бўлишидан кайтъий назар, ораларини узок масофалари ажратиб турсада, бир-бирларига биродар, ога-инидирлар. Ушбу биродарлик туйгуси зиммамдаги вазифаларни кисман бўлсада адо этиш учун кўлимга калам олишга, буюк Ислом динимизнинг туганмас хазинасидан оз бўлса хам сизни баҳраманд этишга ундади. **Аллоҳ таъоло айтади:**

(وَتَوَاصُوا بِالْحَقِّ وَتَوَاصُوا بِالصَّيْرِ) (العصر: ٣)

«Бир-бирларига Хак (**йўл**)ни тавсия этган ва бир-бирларига (**мана шу хак йўлида**) сабр-токат килишни тавсия

этган зотларгина (нажот топгувчи дирлар)» (Аср:۳).

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам айтадилар: «Мусулмонлар ўзаро мухаббат, рахмдиллик ва хамдардликда худди бир танга ўхшайдилар; бир аъзо касалга чалинадиган бўлса, тананинг бошка аъзолари хам шу аъзога уйкусизлик ва иситма билан жавоб беради» ([۱]).

.

Бошка бир хадисда шундай дедилар: «Бир мўмин иккинчи мўминга нисбатан бир кисми иккинчи кисмини тутиб турадиган бинога ўхшайди» ([۲]).

Хожи биродарим, сизни яхши кўрувчи, мушфик бир биродарингизнинг мактубларига кулок тутасиз деган умиддаман. Бу билан Аллоҳ сизга фойда етказса ажаб эмас.

Биринчи мактуб

Инсон нима иш килмасин, бирон максадни кўзлаб килади. Шунинг учун хам калбда кечадиган ният Исломда мухим ўрин тутади. Шу боис, килинаётган хар-бир ишда ният факат Аллоҳнинг розилиги учун, холис бўлиши шарт деб бежиз айтилмаган. **Аллоҳ таъоло айтади:**

(وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ) (البيتة: ٥)

«Холбуки улар фактат ягона Аллохга,
У зот учун динни холис килган,
Тўгри йўлдан оғмаган холларида
ибодат килишган буюрилган эдилар»
(Баййина: ⚭).

Лекин, Аллохнинг розилиги учун деб
килинган хар кайси амал Аллохга
маъкул бўлаверармикан? Нахотки,
Аллохнинг розилиигига етказувчи
хакикий йўл кўрсатилмаган бўлса?

Инсонларни яратиб, ризқ берган
мехрибон Парвардигор уларни
бехуда ташлаб кўймади. Балки,
ўзининг розилиигига етиш йўлларини
ўргатиш учун сўннги пайгамбар
Мухаммад саллоллоху алайхи ва

салламни мукаммал шариат билан юборди. Аллоҳ розилигини истаган хар-бир кишига килаётган амалларини у зотнинг кўрсатмаларига мувофик бажаришни фарз килиб кўйди.

Демак, хар кандай амал Аллоҳ розилигига етиш ниятида, холис ва пайгамбар кўрсатмаси асосида бўлсагина Тангри хузурида макбул амал хисобланар экан. **Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:** «Кимки бизнинг кўрсатмамизга хилоф иш килса, амали ўзига кайтарилади (**яъни, кабул килинмайди**)» ([۱]).

Хаж амалларини ўргататуриб,
шундай деганлар: «Менинг хажда
килган амалларимни ўрганиб, шунга
мувофик амал килинглар
(ўзларингдан «янги» амаллар
кўшманглар)» ([ξ]).

Мусулмон киши хаж ва умра
амалларини пайгамбаримиз
Мухаммад саллоллоху алайхи ва
салламниг кўрсатмаларига биноан
бажариши натижасида Аллоҳ
таъолонинг мухаббати ва
магфиратига эришади. Аллоҳ таъоло
айтади:

(فُلْ إِنْ كُنْتُمْ ثَجُّبُونَ اللَّهَ فَأَنِّي عُوْنَىٰ يُحِبِّبُكُمُ اللَّهُ وَيَعْفُرُ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ) (آل عمران: ۳۱)

«Айтинг (эй Мухаммад) : «Агар мени севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллох сизларни севади ва гунохларингизни магфират килади. Аллох (гунохларни) магфират килгувчи, меҳрибондир»». (Оли Имрон: ۳۱)

Хожи биродарим, мен сизга умра ва хаж амалларини кискача айтиб ўтаман, лекин хаж амалларига киришишдан олдин ахли илмлардан сўраб, ўрганиб олишингиз зарурдир.

Умра амаллари

Мийкотга етиб борганда имкони бўлса, гусл киласиз, кейин ихром ([ؑ]) киясиз. Аёллар хохлаган

кыйимларини кийишлари мумкин.
Лекин, зийнатлари кўриниб
колишидан ва эркакларга ўхшаб
кийинишдан каттиқ сакланмоклари
лозим.

Умра килмокчи ёки
«мутаматтеъ»([۶]) бўлсангиз,
«Лаббайка умратан» деб ният килиб,
Маккага етиб бориб тавофни
бошлагунча ушбу калималар билан
талбия айтиб борасиз:

«لَبِّيْكَ اللَّهُمَّ لَبِّيْكَ، لَبِّيْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ لَبِّيْكَ، إِنَّ الْحَمْدَ وَالنِّعْمَةَ لَكَ وَالْمَلْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ»

«Лаббайкаллохумма лаббайк,
лаббайка ла шарийка лака лаббайк,
иннал хамда ваннеъмата лака вал
мулк, ла шарийка лак».

Хаж ёки умрани ният килган киши ихром боғламасдан мийкотдан ўтиб кетиши мумкин эмас.

**Ихром кийганингиздан кейин
куйидаги ишларни килиш ман
этилади:**

1. тананинг бирор еридан тук-мўй юлиш, олиш, шунингдек тирнок олиш мумкин эмас. Аллоҳ таоло айтади:

(وَلَا تَخْلِقُوا رُؤُسَكُمْ حَتَّىٰ يَبْلُغَ الْأَهْدِيَّ مَحْلَهُ) (البقرة: ١٩٦)

«Хадийнгиз ([\[٦\]](#)) ўз жойига етиб бормагунча бошларингизни (соchlарингизни) кирманг!» (Бакара: ١٩٦).

۲. Баданга ёки ихром кийимиға хушбўй нарсаларни сепиш дуруст эмас. Арафотда турган хожилардан бири туюнинг тагида колиб вафот килганида, **расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар:** «Майитни сидр([۸]) кўшилган сув ювинглар, ихромини кафан килинглар, хушбўй нарса сепманглар, бошини ёпманглар. Зеро, у киёмат кунида талбия айтган холда кайта тирилади» ([۹]).

۳. Жинсий алокада бўлиш харом. Бу ишдан каттиқ кайтарилиган бўлиб, жимоъ килиш манъ килинган муддатда ([۱۰]) содир бўлса, килаётган хажи бузилади, хажини

охирига етказиб келгусида кайтадан хаж килиши, бу гунохи эвазига тужа ёки мол сўйиши вожиб бўлади.

ξ. Ихромдаги кишига куруқликда яшовчи хайвонларни ов килиш ёки овчига ёрдам бериш харом.

ο. Эркакларга кўйлак, иштон, яктак, дўппи, салла ва шулар каби гавдага мослаб тикилган кийимларни кийиш харом.

η. Аёлларга никоб кийиш – кўзни очик колдириб юзни тўсиб олиш, кўлкоп кийиш харом.

Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Эхромдаги аёл

юзига никоб тўсмайди, кўлкоп
киймайди». ([۱۱]). Лекин бегона
эркаклар олдида юзини тўсиб олади.
Оиша онамиз хаж амалларини хикоя
кила туриб, [шундай дедилар](#):

«Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва
саллам билан кетар эканмиз,
ёнимиздан отликлар ўтиб коларди.
Якинлашишган вактда юзимизни
тўсиб олар, ўтиб кетишгандан сўнг
яна очиб олар эдик» ([۱۲]).

Маккага етиб боргач, Каъбани етти
марта тавоф киласиз, «Хажарул-
асвад» - кора тошдан бошлаб унинг
олдида тугатасиз. Кейин «Макоми
Иброҳим» ([۱۳]) – нинг орка
тарафида, имкони бўлса якинрокда,

бўлмаса узокда бўлса хам икки ракаат намоз ўкинг. Сўнг «Сафо» ва «Марва»([¹⁴]) га чикиб, у тоглар орасида умра учун етти марта саъй киласиз. Сафодан бошлаб Марвада тугатасиз (Боришингиз бир кайтишингиз хам бир мартага хисоб килинади). Кейин сочингизни оласиз. Шу билан умра амали тугайди ва ихромни ечиб, кийим кийишингиз мумкин бўлади.

Агар факат хажни ният килган – «Муфрид» бўлсангиз, «Лаббайка хажжан» деб талбия айтишни бошлаб, «Акаба» ([¹⁵]) да тош отгунга кадар талбия айтиб юрасиз. Маккага етганда, Каъбани етти

марта тавоф киласиз, бу тавоф «Тавофул-кудум» деб аталади. Агар Сафо ва Марва орасида саъй килсангиз, ийд кунигача сочга тегмасдан, ихромни ечмасдан турасиз.

Агар умра билан хажни кўшиб килишни ният килган – «Коорин» бўлсангиз, «Лаббайка хажжан ва умратан» деб талбия айтишни бошлаб, «Акаба» да тош отгунга кадар талбия айтасиз ва муфрид бажариши лозим бўлган амалларни киласиз.

Хаж амаллари

Зул-хижжа ойининг саккизинчи куни
чоштгоҳ пайтида хажга ихром
боглайсиз:

Агар «Мутаматтиоъ» бўлсангиз,
турган жойда ихром кийимларини
киясиз. Имкони топилса гусл хам
килиб оласиз. Сўнгра «Лаббайка
хажжан» деб ният килиб, Акабада
тош отгунга кадар кўп талбия
айтасиз.

Агар «Коорин» ёки «Муфрид»
бўлсангиз, аввалги ихромда коласиз.

Кейин Минога чикиб, у ерда
пешинни икки ракаат, асрни икки
ракаат, шомни одатдагидек уч
ракаат, хуфтонни икки ракаат ва

бомдодни икки ракаат ўкийсиз.
Хамма намозларни ўз вактида яъни,
жамъ килмасдан ўкийсиз.

Зул-хижжа ойининг тўккизинчи куни – арафа куни куёш чиккандан кейин талбия айтганча Арафот томонга юрасиз. Арафотда пешин билан аср намозини пешин вактида бир аzon ва икки икомат билан каср килиб ўкийсиз. Намоздан илгари хам, кейин хам суннат ва нафл намозлар ўкилмайди.

Арафотда куёш ботгунга кадар киблага юзланганча дуо ва тавба – тазаррулар килиб турасиз.

Азиз биродар, Арафотнинг ичида турганингизга аник ишонч хосил килинг ва у ердан зинхор кун ботишидан илгари чикиб кетманг!

Кун ботгандан кейин Арафотдан
Муздалифага хотиржам, осойишта
юриб борасиз. У ерда шом (уч
ракаат) ва хуфтан (икки ракаат)
намозларини бир аzon ва икки
икомат билан (**жам килиб**) ўкийсиз.

Бомдодни шу ерда ўкигандан кейин
куёш чикиши якинлашгунга кадар
дую ва зикр килиб турасиз.

Куёш чикиши якинлашгач,
Муздалифадан Минога талбия айтиб

борасиз. Минога етиб боргач,
куйидаги амалларни бажарасиз:

- «Жамратул акаба» да кетма-кет еттина тош отасиз. Хар тош отганда «Аллоху акбар» деб такбир айтасиз.
- «Хадий»ни сўйиб, ундан ейсиз ва факирларга бўлиб берасиз. Хадий «Координ» билан «Мутаматтиъ» га вожиб бўлади.
- Сочни устарада оласиз ёки кискартирасиз. Устарада олиш афзалдир. Аёллар эса соchlарининг учидан бир энликча кискартирадилар.

Мазкур уч амални имкони бўлса, тартиб билан адо этиш, яъни аввал тош отиш, сўнг жонлик сўйиш, кейин соч олдириш афзал. Бири иккинчисидан олдин бажарилса хам зарари йўқ.

· Бу уч амални бажарганингиздан кейиш эхромдан чикасиз, жимоъдан ташкари эхром пайтида ман килинган хамма амалларни килишингиз мумкин.

Сўнг минодан Маккага тушиб, «Тавофул-ифода» - тушиш тавофини бажарасиз. Бу тавоф «Тавофул-хаж» хам деб аталади.

- Агар мутаматтиъ бўлсангиз,
Сафо билан Марва орасида хаж учун
саъй киласиз.
- Агар муфрид ёки коорин
бўлсангиз Каъбани тавоф киласиз ва
Тавофул-кудумда саъй килмаган
бўлсангиз, Сафо билан Марва
орасида саъй киласиз.
- Бу икки амал- тавоф ва саъй
билан ихромдан бутунлай чикасиз,
яъни ихромда ман килинган хамма
амалларга, шу жумладан жимоъга
хам рухсат бўлади.

Тавофдан кейин Минога чикиб, ўн
биринчи ва ўн иккинчи кечани
Минода ўтказасиз.

Ўн биринчи ва ўн иккинчи кунлари киёмдан кейин уч жамаротда тош отасиз. «Жамратус-сугро» кичик жамра Маккадан энг узок жамрадан бошлайсиз, кейин «Жамратул-вусто» ўрта жамрага, сўнг «Жамратул-акаба» га тош отасиз. Бу уч жамаротнинг хар бирида кетма-кет еттидан тош отиб, хар тош отганда «Аллоху акбар» дейсиз. Жамратус-сугрода тош отгандан сўнг киблага юзланиб дуо киласиз. Бу ишни жамратул-вустода хам такрорлайсиз, лекин жамратул-акабада дуо килмайсиз.

Бу икки кун ўн биринчи ва ўн иккинчи кунда тушдан олдин тош отилса хисобга ўтмайди.

Ўн иккинчи куни тош отиб бўлганингиздан кейин;

- Агар эртарок кетишни хохласангиз, Минодан куёш ботишидан олдин чикиб кетасиз.
- Агар кетишни хохламасангиз, ўн учинчи кечани хам Минода ўтказасиз ва ўн учинчи куни тушдан кейин ўн биринчи ва ўн иккинчи кунлари тош отганингиздек тош отасиз.

Ўн учинчи кечани хам минода
ўтказмогингиз афзал.

Маккадан чикиб кетишдан аввал
Каъбани еттиб бор тавоф киласиз, бу
тавоф «Тавофул-вадоъ» хайрлашув
тавофи деб аталади. Ой кўрган ёки
нифосдаги аёлларга тавофул-вадо
лозим бўлмайди.

Мадинаи Набавиййани зиёрат килиш

Мухтарам биродар, хар бир
мусулмон кишига хаж ва бошка
вактларда пайгамбаримизнинг
масжидларини зиёрат килиш суннат
хисобланади.

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам айтадилар: «Зиёрат максадида фактат уч масжидгагина сафар килинади. Улар Масжидул-харом, Менинг шу масжидим (**масжидун-набавий**) ва Масжидул-аксолардир. ([۱])

Азиз биродар, Аллох таълонинг хифзу – химоясида Мадинага етиб боргач, аввало Масжидун – набавийда намоз ўкинг. Чунки, бу масжидда ўкилган намоз бошка жойда ўкилган мингта намоздан яхширокдир. **Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам дедилар:** «Менинг бу масжидимда ўкилган намоз масжидул-харомдан бошка жойда

ўқилган мингта намоздан афзалдир.
([۱۷])

Сўнгра расулуллоҳ саллоллоҳу
алайхи ва саллам, Абу Бакр ва
Умар розияллоҳу анхумонинг
кабрлари турган хужра ёнига бориб,
аввал расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи
ва салламга, сўнгра Абу Бакр сўнгра
Умарга салом берасиз.

Азиз биродар, Кубо масжидида
намоз ўкиш хам суннат
амаллардандир. [Пайгамбар](#)
[саллоллоҳу алайхи ва саллам](#)
[айтадилар](#): «Кимки уйидан чикиб
мана бу масжидга ([Кубо масжидига](#))

келса ва намоз ўқиса, бир марта умра килганга тенг савоб бўлади».([۱۸])

Ётганларнинг хаккига дуо килиб истиғфор айтиш максадида «Бакеъ» кабристони ва «Ухуд» шахидларини зиёрат килиш суннат хисобланади. Чунки, пайгамбар саллоллоҳу алайхи ва саллам бакеъга ва Ухуд шахидларига бориб кабр ахлларига куйидагича дуо килдилар:

«السلام على أهل الديار من المؤمنين وال المسلمين، وإنما إن شاء الله بكم لاحقون»

Яъни, «Эй бу диёр ахли бўлган мўмин-мусулмонлар ассалamu алайкуm. Биз хам тез кунларда сизларнинг орtingиздан келамиз (вафот киламиз)». ([۱۹])

Хурматли биродар, Мадинадаги зиёрат килинадиган жойлар ушбулардир. Бундан бошка жойни зиёрат килиб, у ерда намоз ўкиш суннат эмас. Агар яхши, фойдали амал бўлганида, пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам ўргатган бўлардилар. Биз аминмизки у киши зиммаларидағи омонатни адо этиб, пайгамбарликни тўла етказганлар, умматни яхшиликка йўллаб, туни кундуздек ёруг йўл устида колдириб кетганларки, бу йўлдан адашиб четга чикканлар халокатга дучор бўлажак!
Дарҳакикат, Аллоҳ таъоло у Зот оркали динини мукаммал, неъматини

тўқис килгандир. У кишига Аллоҳ таъолонинг салавоту саломлари бўлсин.

Иккинчи мактуб

Хожи биродар, келинг, навбатдаги мактубимизда кўпчилик хожилар томонидан билмасдан ёки эътиборсизлик билан содир бўладиган хатоларни айтиб ўтайлик.

Ихром кийиш вактида содир бўладиган хатолар:

- Мийкотдан ихром киймаслик.
- Ихром боғлаганда оёк кийимини киймаган бўлса, кейин кийиб бўлмайди, деб эътиқод килиш.

- Ихром кийимиини алмаштириб бўлмайди, деб ўйламок.
- Ихром холатида доим ўнг елкани очиб юриш. Холбуки, бу амал товофулкудумда бўлади холос.
- Ихром боғлагандага икки ракаат намоз ўкиш фарз деб эътиқод килиш.

۴. Мийкотдан масжидул-харомга борища учрайдиган хатолар:

- Талбия айтмай бошка сўзлар билан овора бўлиш, бундан хам ёмонроги вактини ашула эшитишга ўхшаш харом амаллар билан ўтказиш.
- Талбияни жўр бўлиб айтиш.

۴. Масжидул-харомга киришда учрайдиган хатолар:

- Харамга муайян эшикдан кириш керак деб эътиқод килиш.
- Харамга киришда муайян дуоларни ўкиш, холбуки, харамга кириш махсус дуолар йўқ. Балки, пайгамбар саллоллоҳу алайхи ва саллам хар кандай масжидга, шу жумладан масжидул-харомга хам киришда айтиладиган дуони ўргатганлар.

إِنَّمَا الْمُحَرَّمُ الْمَسْجِدُ الْعَظِيمُ وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ الْأَكْبَرِ اغْفِرْ لِي ذُنُوبِي، وَافْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ

«Бисмиллах, вассолату вассаламу ала росулиллах, аллохуммагфирли

зунубий вафтахлий абваба
роҳматик»[\[۲۰\]](#)

- Масжидул-харомга кирганда, тавоғ килмасдан ўтириб бўлмайди, деб эътиқод килиш. Аслида масжидул-харомда хам, бошка масжидлардагидек икки ракаат намоз ўкигандан сўнг ўтирса бўлади.

٤. Тавофда учрайдиган хатолар:

- Тавоғ олдидин ниятни талаффуз килиш. Айримлар эй парвардигор, етти бор тавоғ килишни ният килдим дейишади. Бу амал пайгамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва салламдан хам, улуг сахобалардан хам накл килинмаган.

- Тавофни хажарул-асгад олдидан бошламаслик.
- Хажарул-асгад ва рукнул-ямоний ёнида каттик тикилинч хосил килиш.
- Хажалул-асгадни ўпмаса тавоф кабул бўлмайди, деб эътиқод килиш.
- Рукнул-ямонийни ўпиш.
- Рамл [۲۱] ни хар шавт (айланиш) да бажариш. Рамлни аввалги уч шавтда килиш эркакларгагина суннатдир.
- Хар бир айланишда муайян дуо ўкиш.

- Тавоф вактида хижр [۲۲] ичига кириш тавофни бузади. Чунки хижр каъбанинг бир кисмидир.
- Тавоф вактида каъбага чап елкани бермаслик. Масалан, баъзилар аёлларини одамлардан тўсаман деб каъбага ўнг томонини олидини ёки оркасини килиб ўтади. Айланаётган вактда каъба кишининг чап томонида туриши тавоф шартларидан бўлгани учун бундай кишиларнинг тавофи кабул бўлмай колиши мумкин.
- Каъбанинг хамма томонларини ўпиш.

- Баланд овоз билан дуо килиш. Бу хушуъ [۲۳]ни кеткизади, байтуллохнинг хурматига тўгри келмайди ва тавоф килувчиларнинг тинчини бузади. Одамларнинг ибодатларига халакит бериш эса мункар-ёмон иш хисобланади.
- Тавофнинг икки ракаат суннатини макоми Иброҳимга якин жойда ўкиш шарт, деб ўйлаб, тавоф килувчиларни сикиш ва уларга азият етказиш.
- Мазкур икки ракаатни узок, чўзиб ўкиш суннатга зид ишдир. Чунки, пайгамбар саллоллоҳу алайхи ва саллам бу ўринда намозни енгил

ўкиганлар. Намозни узок, чўзиб ўкиган киши тавоф килувчиларга озор беради ва бу ўринга хаклирок бўлган кишиларнинг жойини банд килади.

- Макоми Иброхим учун маҳсус дуо ўкиш. Бу бидъатнинг устига-устак тўда бўлиб жўр бўлиб ўкишади.
- Макомни силаш. Бу тўгрида пайгамбар саллоллоху алайхи ва салламдан хужжат келмаган.

◦ Саъда учрайдиган хатолар:

- Ниятни талаффуз килиш.

- Сафонинг устида намоздагидек каъбага караб кўл кўтариш.
- Эркаклар Сафо ва Марва орасида бир хил юриб икки яшил белги орасида каттик югурмасликлари.
- Баъзилар Сафо ва Марва орасида бир хилда тез югуради. Килинган бу хато натижасида суннатга амал килмаслик, ўзини кийнаш, тикилинч хосил килиш ва бошкаларга озор етказиш каби хатолар келиб чикади. Ачинарлиси шуки, айримлар ибодатни тезрок тугатиш учун югурадилар. Бу юкоридаги хатолардан кўра хам

ёмонрокдир. Чунки, бундай килиш ибодатни хохламасликдан, ундан безиллаб туришдан дарак беради. Бу иш мусулмонликка ярашмайдиган нихоятда катта хатодир. Бильякс, мусулмон киши ибодатни дилни ёзиб, хушуъ билан, хурсанд холда адо этмоги лозим.

- (إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ) (البقرة: ١٥٨)
- оятини Сафо ва Марвага хар чикканда ўкиш. Аслида бу оят саъйнинг бошида – Сафога биринчи бор чикканда ўкилади холос.
- Саъйни Марвадан бошлиш.

- Сафодан Марвага бориб, яна
Сафога келишни бир шавт,
деб эътикод килиш.
- Хаж ва умрадан ташкари –
нафл саъй килиш. Баъзилар саъйнинг
хам тавофга ўхшаш нафли бор, деб
ўйлашади.

۶. Соч олиш ёки кискартиришда учрайдиган хатолар:

- Сочнинг бир кисмини олиб,
колганига тегмаслик.
- Бошнинг бир томонидан бир
неча толаларни кесиб кўйиш. **Бу иш**
Аллоҳ таълонинг куйидаги сўзига
зиддир: (مُحَقِّقٌ رُؤْوَسَكُمْ)

«Бошларингизни кирдирган ва
(ёки) кискартирган холларингизда...»
(Фатх: ۲۷).

- Сочни кискартириш ёки кирдиришдан олдин ихромдан чикиш.

۷. Тарвия кунида учрайдиган хатолар:

- Ихром кийганда икки ракаат намоз ўкиш вожиб, деб эътиқод килиш. Шунингдек, янги ихром кийиш шарт деб эътиқод килиш.
- Ихром кийгандан кейин хамиша изтибоъ килиб юриш (ўнг елкани очиб юриш). Изтибоъ

Маккага биринчи келгандаги тавофда – тавофул-кудумда килинади, холос.

- Умрага кийган ихромини кийиш дуруст эмас, деб эътиқод килиш.
- Минога кетаётганда овоз чикариб талбия айтмаслик.
- Тўгри Арафотга бориш.
- Маккада колиб, Минога бормаслик.
- Минода намозларни тўлик, каср килмасдан ўкиш.

^. Арафотга кетаётгандаги ва Арафотда турғандаги хатолар:

- Арафотга кетаётганды овоз чиқариб талбия айтмаслик.
- Кун оғганидан сўнг Арафотдан ташкарида туриш.
- Киблага карамасдан «Жабалур-рохма» тогига караб туриш.
- Тогнинг оркасида туриш зарур, деб ўйлаш.
- Атрофдаги дарахтларни синдириш жойиз эмас деб эътиқод килиш.

- Тогни ўзиг хос мүкаддаслиги бор деб эътиқод килиб, устига чикиб намоз ўкиш ва дарахтларига латта осиш.
- Пешин ва аср намозларини кийналса хам имом билан масжиди Намирада ўкиш фарз деб ўйлаш.
- Арафотдан куёш ботишидан олдин чикиб кетиш.
- Вактни бефойда ўтказиш. Айникса, харом килинган ишлар – суратга тушиш, ашула-мутика эишитиш, ахлоксиз, ёмон гаплар сўзлаш, одамларни ранжитиш каби

ишилар билан шугулланиш гунохнинг яна ортишига сабаб бўлади.

⁹. Муздалифага боришда содир бўладиган хатолар:

- Хаддан ташкари тез юриш.
- Муздалифага етмасдан йўлда тунаб колиш.
- Шом ва хуфтан намозини йўлда, Муздалифага етмасдан ўкиш.
- Хуфтан намозини вактидан кечикириш. Масалан, баъзи хожилар Муздалифага етганда ўкиймиз, деб яrim кечадан хам кечикириб юборадилар. Бу жуда катта хатодир.

- Бомдод намозини эрта ўкиш.
Баъзи хожилар - Аллоҳ хидоят берсин – тонг отишини кутиб турмайдилар, хожилардан бири аз он айтганини эшитишлари билан вакт кирмаган бўлса хам намоз ўкийверадилар.
- Муздалифадан тунда, бомдод намозидан олдин чикиб кетиш.
- Кечани бехуда гап – сафсалалар билан ёки харом ишлар билан ўтказиш.
- Муздалифада куёш чиккунча колиш.

- Тошни Муздалифадан териб олиш шарт деб ўйлаш.

۲۰. Тош отишда учрайдиган хатолар:

пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам тош отишдаги хикматни куйидаги хадисда баён килиб берганлар: «Байтуллохни тавоф килиш, Сафа-Марва орасида югуриш ва тош отиш Аллохни зикр килиш – ёдга олиш учун машруъ килинди, бошка нарса учун эмас»[\[۲۴\]](#).

- Тошни ювиш ёки хушбўй килиш (атир сепиш).

· Жамаротларни шайтон, деб ўйлаш. Бу хато эътикоддир. Зеро, биз факат Аллохни ёдга олиш – зикр этиш максадида, у Зот илохийга куллик-бандалик изхор килиш учунгина тош отишга буюрилганмиз. Юкоридаги нотўгри эътикод окибатида нихоятда хунук ишлар келиб чикади. **Биргина шу мисолни олайлик:** Айрим хожилар каерда эканликларини унутадиларда, одамларга озор бериб, каҳр билан олдинга ташланадилар. «Жанг майдонида душман сари олга бораётган» бу «кахрамонлар» тош отиш билан Аллох таъолога бандалик киляпман, ибодат

киляпман, деган ўйни хаёлларининг
кўчасига хам келтиришмаса керак.

Окибатда хотиржам, тинчгина тош
отиб, Аллохни ёд этиш ўрнига
бенихоя аклсиз ишлар
килинаётганини – катта-катта
тошлар, турли тахта бўлаклари, оёк
кийимлар ва соябонлар дўлдек
ёгилаётганини кўрасиз.

- Тошлар устунга тегиши шарт,
деб ўйлаш.
- Тош отишга курби етса хам,
ўзи отмасдан, бошка кишини
ўзининг ўрнига жўнатиш.

- Муздалифанинг тошидан бошка тошни отиш жоиз эмас, деб ўйлаш. Тўгриси, хар кандай жойнинг тоши бўлаверади.
- Тартибсиз ёки тескари отиш.
- Вактидан олдин отиш.
- Еттигадан оз отиш.
- Биринчи ва иккинчи жамрадан сўнг дуо килмаслик.
- Белгиланганидан ортиқ отиш.

۱۱. Минода учрайдиган хатолар:

- Минода кечаси колмасдан, беузр кетиб колиш. Шунингдек,

тузукрок текшириб ўзига Минода жой изламаслик. Факат жой умуман топилмай колгандағина Макка ёки Азизияда туриш мүмкін бўлади.

· Минодан ۱۲-куни кун огишитушдан олдин чикиб кетиш.

Учинчи мактуб

Кимматли дўстим! Шайтон мусулмонларни адаштиришга ва уларга ёмон амалларни безаб кўрсатишга нихоятда ўчдир. **Аллоҳ таъоло шайтон хакида шундай деди:**

(لَعْنَهُ اللَّهُ وَقَالَ لَا تَخِذُنَّ مِنْ عِبَادِكَ نَصِيبًا مَفْرُوضًا) (النساء: ۱۱۸)

« Аллоҳ уни лаънатлади. (**шунда**) у деди: «Касамки, бандаларнинг

орасидан ўзимга тегишли насибани албатта оламан (**адаштираман**)» (Нисо: ١١٨).

Бошка бир оятда:

(قَالَ فَإِنَّمَا أَغْوَيْتُنِي لِأَفْعُدَنَّ لَهُمْ صِرَاطَكُ الْمُسْتَقِيمَ (١٦) ثُمَّ لَا تَبِعُنَّهُمْ مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ وَمِنْ خَلْفِهِمْ وَعَنْ أَيْمَانِهِمْ وَعَنْ شَمَائِيلِهِمْ وَلَا تَجِدُ أَكْثَرُهُمْ شَاكِرِينَ) (الأعراف: ١٧)

«У айтди: Касамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом сенинг тўгри йўлинг устида уларни (**одам болаларини**) кутиб ўтирурман. Сўнгра уларга олдиларидан ва ортларидан, ўнгу-сўлларидан келиб (**тўгри йўлдан оздирурман**) ва (**окибатда**) уларнинг кўпларини (**берган неъматларингга**) шукр

килган холларида топмайсан»
(Аъроф: ۱۶, ۱۷).

Аллох таъоло инсонни фасод ва
бузукликка кадам-бакадам
етаклайдиган шайтоннинг изидан
боришдан кайтарар экан, **шундай**
дейди:

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّبِعُوا خُطُواتِ الشَّيْطَانِ وَمَنْ يَتَّبِعُ خُطُواتِ الشَّيْطَانِ فَإِنَّهُ يَأْمُرُ بِالْفَحْشَاءِ
وَالْمُنْكَرِ وَلَوْلَا فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللَّهِ مَا رَأَكُمْ مِنْ أَحَدٍ أَبْدَأَ وَلَكِنَّ اللَّهَ يُرِكِي مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ
سَمِيعٌ عَلَيْهِ) (النور: ۲۱)

«Эй мўминлар, шайтоннинг изидан
эргашманглар! Ким шайтоннинг
изидан эргашса, албатта (**шайтон**)
бузуклик ва ёмонликка буюрур. Агар
сизларга Аллохнинг фазлу-
марҳамати бўлмаса эди сизлардан
бирон киши (**бирон гунохдан**) пок

бўлмас эди. Лекин, Аллох (фазлу-марҳамати билан) ўзи хохлаган кишини поклар. Аллоҳ эшитгувчи, билгувчидир». (Нур: ۲۱).

Шайтон инсонни «энг ёмон боткок» - Аллоҳга ширк келтириш «боткогига» тушуриш учун харакат килади. Чунки, у ширкнинг хеч кечириб бўлмас гуноҳ эканлигини билади. **Аллоҳ таоло айтадики:**

(إِنَّ اللَّهَ لَا يَعْفُرُ أَنْ يُشْرِكَ بِهِ وَيَعْفُرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ) (النساء: ۴۸)

«албатта Аллоҳ ўзига (бирон нарсанинг) шерик килинишини кечирмас. Шундан бошка гунохларни ўзи хохлаган бандалари учун кечирур». (Нисо: ۴۸).

Хурматли биродарим,
билингки, шайтон ширкка, яъни
бошка нарсаларни Аллохга шерик
килишга тўгридан-тўгри
чакирмайди, балки ширкка олиб
борувчи баъзи амалларни безаб
кўрсатади.

Пайгамбар Нух алайхиссаломнинг
кавмига ширк биринчи бор шу
тарзда кириб келган: Уларнинг
орасида солех-яхши кишилар бор
эди, у кишилар вафот этишгандан
кейин, **шайтон уларнинг калбига:**
«ўша яхшиларнинг суратларини
чишиб, уй тўрига осиб кўйинглар,
токи суратларга кўзингиз тушганда
улар эгаллаган билим, килиб ўтган

эзгу-ишиларини эслаб, кучингизга куч
күшилсін, илму амалга гайрат
килинг» - деган васваса солди.

Суратларни деворда колдириб, бу
авлод дунёдан ўтдилар. Улар ўрнига
келган янги авлодга шайтон келиб,
«Оталарингиз бошларига мусибат
тушганда бу суратлардан ёрдам
сўрадилар» -деди.

Маккор шайтоннинг шу тарздаги
хийла-найранги натижасида, охир
окибат улар Аллоҳга эмас, шу
суратларга ибодат киладиган
бўлдилар.

Дарҳакикат, кўп кишилар
бilmасликлари туфайли, ўзлари
сезмаган холда Аллоҳга ширк

келтирадилар. Одамлар орасида «Ё Хусайн» «Ё Али» «Ё пиrim» «Ё гавсул Аъзам» «Ё Баховуддин пиrim» «Менга ёрдам беринг», ёхуд «менга фарзанд ато этинг» - дейдиганлар кам деб ўйлайсизми?!

Бу ишлардан хам ёмонроги баъзилар кабрга сажда киладилар, баъзилар эса кабрга караб намоз ўкиш киблага караб намоз ўкигандан афзал-дедилар. Ёки кабрни тавоф килиш каъбани тавоф килишдан улуг – деб эътикод киладилар.

Мухтарам биродар, бу каби ишлар Аллоҳ таолонинг дини – исломда «ширқ» деб аталади. Акли жойида

одам кандай килиб куртга ем бўлиб ётган жонсиз жасаддан мадад сўрайди?! Холбуки, ўликнинг кўлидан бирор нарса келганида, ўзини бундай аянчли холга солган ўлимга чап берган бўларди. Боз устига, ўша ёрдам сўралаётган одам канчалик улуг бўлмасин, пайгамбар Мухаммад саллоллоху алайхи ва салламнинг босган изларига хам арзимайди. [Шундай улуг пайгамбарга Буюк Аллоҳ томонидан келган буйрукка кулок тутиб кўринг](#) – a:

(قُلْ لَا أَمْلِكُ لِنَفْسِي نَفْعًا وَلَا ضَرًّا إِلَّا مَا شَاءَ اللَّهُ وَلَوْ كُنْتُ أَعْلَمُ الْغَيْبَ لَا سُكْرَرُثُ مِنَ الْخَيْرِ وَمَا مَسَّنِي السُّوءُ إِنْ أَنَا إِلَّا دَنِيرٌ وَبَشِيرٌ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ) (الأعراف: ١٨٨)

«Айтинг: Мен ўзим учун хам на фойда , на зиён етказишга эга бўла оламан. Факат Аллохнинг хохлагани бўлур. Агар гайбни билганимда эди, яхши амалларни кўпайтирган бўлур эдим ва менга бирон зиён етмаган бўлур эди. Мен факат иймон келтирадиган кавм учун (дўзах азобидан) огохлантирувчи ва (жаннат неъматлари хаккида) хушхабар бергувчиман холос» (Аъроф: ۱۱۸).

Бошка бир оятда шундай дейди:

(فُلْ إِيٰ لَا أَمْلَكُ لَكُمْ ضَرًّا وَلَا رَشَداً (۲۱) قُلْ إِيٰ لَنْ يُحِبِّنِي مِنَ اللَّهِ أَحَدٌ وَلَنْ أَجِدَ مِنْ دُونِهِ مُلْتَحَداً (الجن: ۲۲)

«Айтинг: Албатта мен сизларга на бир зиён ва на бир түгри йўл беришга эга эмасдирман, (түгри йўлга согувчи хам, зиён етказа олгувчи хам ёлгиз Аллохдир).

Айтинг: албатта мени Аллоҳ (нинг азоби) дан (агар у зотга осийлик килсан) бирон кимса химоя кила олмас ва мен У зотдан ўзга панохгоҳ хам топа олмасман» (Жин: ۲۱, ۲۲).

Модомики ахвол шундай экан, бирон киши фойда ёки зарар етказишга кодир, деб эътиқод килиш аклсизликдан ўзга нарса эмас.

Мусулмон киши сира хам бундай эътиқод килмайди.

Аллох таоло айтади:

(وَيَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَضْرُبُهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَيَقُولُونَ هُوَ لَهُ شَفَاعَةٌ إِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ هُنَّا عَنْهُ مُغْنِٰ) (يونس: ١٨)

«Улар Аллохни кўйиб, ўзлариға зиён хам, фойда хам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат киладилар ва: «Ана шу нарсалар Аллох хузурида бизнинг окловчиларимиз» - дейдилар» (Юнус: ۱۸).

Бу оятда мушриклар сифатланаяпти. Мусулмон киши мушрикларнинг амалига таклид килиб, ўлиб кетган кишилардан шафоат (оклов) сўраши дурустми?!

Мушриклар, «Бизни Аллохга якин килишлари учун авлиё ва бутларга сигинамиз» - деб узр айтишганда куйидаги оялтар нозил бўлди:

(أَلَا لِلَّهِ الْدِيْنُ الْحَالِصُ وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ مَا تَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيَقْرَبُوكُمْ إِلَى اللَّهِ رُفْقًا إِنَّ اللَّهَ يَحْكُمُ بِمَا هُمْ فِيهِ يَخْلُقُونَ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي مَنْ هُوَ كَادِئٌ كُفَّارٌ) (الزمر: ۳)

«У зотдан ўзга «дўстлар» ни (худо) килиб олган кимсалар: «Биз (ўша «худо» ларимизга) факат улар бизни Аллохга якин килишлари учунгина ибодат килурмиз» (- дерлар). Шак-шубха йўкки Аллох (киёмат кунида) улар ихтилоф килаётган нарсалар хусусида уларнинг ўртасида хукм килур. Шак-шубха йўкки, Аллох ёлгончи ва кўрнамак кимсаларни хидоят килмас» (Зумар: ۳)

Аллохнинг каломи – Куръонга ишонадиган мусулмон одам мушрикларнинг сўзини хужжат килиб, Аллоҳдан ўзгага илтижо килмайди.

Аллоҳ таоло одамлар сигинаётган сохта «худо» ларнинг nocturva ожизлигини баён килиб, **шундай дейди:**

(وَالَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِهِ لَا يَسْتَطِيعُونَ نَصْرَكُمْ وَلَا أَنفُسَهُمْ يَنْصُرُونَ) (الأعراف: ١٩٧)

«Ундан ўзга сизлар илтижо килаётган нарсалар сизларга ёрдам килишга кодир эмаслар ва улар ўзларига хам ёрдам кила олмаслар» (Аъроф: ۱۹۷).

Шу оятни эшитган мусулмон Аллох эмас, улар ёрдам беради деган хаёлга борадими?! Ахир, бу гап Аллох ёлгончи деганику! Ким Аллох таолони ёлгончи деса, намоз ўкиса хам, рўза тутса хам, мусулмонлик даъвосини килса хам кофир бўлади!!

Пайгамбаримиз саллоллоху алайхи ва саллам пайгамбарларнинг энг улуги, одам фарзандларининг саййиди, киёмат кунида шафоат эгаси бўлсаларда, у киши хатто ўз якинларига хам бу борада бирор фойда – ёрдам кила олмаганлар. Хадисда айтилишича, «расулуллоҳ саллоллоху алайхи ва саллам Аллоҳ таолонинг: «Якин

кариндошларингизни огохлантиринг» ояти нозил бўлгач, **Сафога чикдиларда:** «Эй Курайш жамоаси, ўзингизни Аллохнинг азобидан куткариб олинг. Мен Аллохнинг азобидан сизларга панох бера олмайман. Эй Абду маннофнинг фарзандлари, мен Аллохнинг азобидан сизларни куткара олмайман! Эй расулуллоҳ (**саллоллоҳу алайхи ва саллам**)нинг аммаси Сафийя, Аллохнинг азобидан сизни саклаб кололмайман. Эй Абдулмутталибининг ўгли Аббос, Аллохнинг азобидан сизни саклаб кололмайман. Эй Мухаммад (**саллоллоҳу алайхи ва саллам**)нинг

кизи Фотима, мол-давлатимдан
хохлаганингни сўрагин, аммо
Аллохнинг азобидан сени саклаб
кололмайман» - дедилар»[\[۲۰\]](#).

Агар пайгамбаримиз саллоллоху
алайхи ва саллам ўз амакилари,
аммалари хатто кизларини хам
Аллохнинг азобидан куткара
олмайдиган бўлсалар, бошкалар
кандай куткара олади?! Огох бўлинг,
азиз биродар.

Пайгамбаримиз саллоллоху алайхи
ва саллам Аллоҳ таолодан амакилари
Абу Талибнинг кўрсатган ёрдамлари
учун гунохларидан ўтишини
сўрамокчи бўлганларида,

парвардигор пайгамбарини кайтариб айтдики:

(مَا كَانَ لِلنَّبِيِّ وَالَّذِينَ آمَنُوا أَنْ يَسْتَغْفِرُوا لِلْمُشْرِكِينَ وَلَوْ كَانُوا أُولَئِكُمْ قُرْبَى مِنْ بَعْدِ مَا تَبَيَّنَ لَهُمْ أَنَّهُمْ أَصْحَابُ الْجَنَّةِ) (التوبه: ١١)

«На пайгамбар ва на мўминлар – агар мушриклар кариндошлари бўлса хам – уларнинг дўзах эгалари эканликлари аник маълум бўлганидан кейин, у мушриклар учун магфират сўрашлари жоиз эмасдир» (Тавба: ۱۱۳).

Аллоҳ таоло ўз пайгамбариининг амаким мусулмон бўлиб колармикан, деб жон куйдираётганини кўргач, куйидаги оятни нозил килди:

(إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ أَعْلَمُ بِالْمُهَذِّبِينَ) (القصص: ٥٦)

«(Эй Мухаммад), аникки, сиз
ўзингиз суйган кишиларни хидоят
кила олмассиз, лекин Аллох ўзи
хохлаган кишиларни хидоят килур. У
хидоят топгувчи зотларни яхширок
билигувчидир» (Касас: ٥٦).

Азиз биродарим, жохиллар
каби Аллохдан ўзгаларга илтижо
килманг! Аллох таоло айтадики:

(وَتَوَكَّلْنَا عَلَى الْحَمْدِ الَّذِي لَا يَمُوتُ) (الفرقان: ٥٨)

«Ва ўлмайдиган тирик зотга таваккул
килинг» (Фуркон: ٥٨).

Факатгина Аллохдан дуо килиб
сўранг, Аллохгагина
ёлворинг, ёрдам ва мададни

факат Аллохдан сўранг.
Билингки, Аллоҳ сизга хар нарсадан
якинрокдир! Аллоҳ таоло айтадики:

(وَإِذَا سَأَلَكُ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أَجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ) (البقرة: ۱۸۶)

«Бандаларим сиздан (Эй Мухаммад)
мен хакимда сўрасалар, мен уларга
якинман. Менга дуо килган
пайтларида дуогўйларнинг дуосини
ижобат киласман» (Бакара: ۱۸۶).

Эй азиз биродарим, пайгамбаримиз
Мухаммад саллоллоху алайхи ва
салламнинг жиянлари Абдуллоҳ ибн
Аббосга килган васиятларини
кулогингизга куйиб олинг: «Агар
сўрасанг Аллохдан сўра, агар ёрдам
тиласанг Аллохдан тила. Билгинки,

дунёдаги хамма одам тўпланиб сенга
бирон фойда етказмокчи
бўлишса, Аллоҳ пешонанга ёзиб
кўйган, такдир килиб кўйган нарсани
етказишади, холос. Башарти, бутун
халк сенга зарап беришга
жамланишса факат Аллоҳ такдир
килган нарсанигина етказишади.
Каламлар ёзишдан тўхтаб, сахифалар
куриб бўлган».

Азиз биродар, расулуллоҳ
саллоллоҳу алайхи ва саллам
асхобларига ўргатган дуоларни
ўрганинг ва уларни ёдлаб олиб, амал
килинг. Куйида шу дуолардан
баъзиларини келтирамиз.

«اللهم إني أعوذ بك من جهد البلاء ودرك الشقاء وسوء القضاء وشماتة الأعداء»

Яъни «Парвардигоро, мен сендан огир мусибатдан, баҳтсизликдан, казои-кадарнинг ёмонлигидан ва душманларга масхара бўлишдан паноҳ беришингни сўрайман».

«اللهم أصلح لي ديني الذي هو عصمة أمري ، وأصلح لي دنياي التي فيها معاشي ، وأصلح لي آخرتي التي إليها معادي، واجعل الحياة زيادة لي في كل خير ، واجعل الموت راحة لي من كل شر». .

Яъни «Парвардигоро, ишимнинг туткичи (**асоси**) бўлган динимни умргузаронлик киладиган дунёйимни ислоҳ эт. Ва кайтадиган жойим бўлмиш охиратимни ислоҳ эт. Хаётимни яхшиликларга бой, баракали кил, бордию, дунё ёмонликларга тўлиб кетса, менга ўлим юбориб, бу ёмонликлардан халос эт».

«اللهم إني أسألك من الخير كله عاجله وآجله، ما علمت منه وما لم أعلم، وأعوذ بك من الشر كله عاجله وآجله ما علمت منه وما لم أعلم، اللهم إني أسألك من خير ما سألك منه عبديك رسولك ﷺ، وأعوذ بك من شر ما استعاد منه عبديك ونبيك ﷺ اللهم إني أسألك الجنة وما قرب إليها من قول أو عمل، وأعوذ بك من النار وما قرب إليها من قول أو عمل، وأسألك أن تجعل كل قضاء قضيته لي خيراً».

Яъни: «Парвардигоро, мен сендан хамма яхшиликни, тезда бўладиганини хам, келажакда бўладиганини хам, мен билган ва билмаган яхшиликларни сўрайман. Хамма ёмонликдан, тезда бўладиганидан хам, келажакда бўладиганидан хам, мен биладиган ва билмайдиган ёмонликлардан панох беришингни сўрайман. Парвардигоро, мен сендан банданг ва пайгамбаринг (**Мухаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам**) сўраган яхши нарсалардан сўрайман.

Банданг ва пайгамбаринг панох сўраган ёмон нарсалардан панох тилайман. Парвардигоро, мен сендан жаннатни ва унга якинлаштирувчи сўзу-амалларни сўрайман. Дўзахдан ва унга якинлаштирувчи сўзу-амаллардан панох тилайман. Пешонамга битган хамма казоингни яхши килишингни сўрайман».

«اللهم احفظني بالإسلام قائماً ، واحفظني بالإسلام قاعداً ، واحفظني بالإسلام راقداً ، ولا شتمت بي عدواً حاسداً، اللهم إني أسألك من كلِّ خيرٍ خزنته بيديك، وأعوذ بك من كل شرٍّ خزنته بيديك».»

Яъни «Парвардигоро, мени турсам хам, ўтирсам хам, ухласам хам ислом билан, исломда саклагин бирон душман ёки хасадгўйга масхара, кулги килмагин. Парвардигоро, сендан хамма яхшиликни сўрайман,

хамма ёмонликдан панох тилайман.
Зеро, хамма нарса сенинг
кўлингдадир».

«اللهم إني أسألك يا الله بأنك الواحد الأحد الصمد الذي لم يلد ولم يولد ولم يكن له كفواً أحد، أن
تغفر لي ذنبي إنك أنت الغفور الرحيم».

Яъни, «Парвардигоро, хамманинг
мухтожлиги хакки, на туккан, на
тугилган эканлигинг, тенгги йўқ,
яккаю ягона зот эканлигинг хакки,
гунохларимни кечиришингни
сўрайман».

«اللهم إني أسألك بأن لك الحمد لا إله إلا أنت وحدك لاشريك لك، المنان، يابديع السموات
والأرض ياذا الجلال والإكرام، ياحي ياقبوم إني أسألك الجنة وأعوذ بك من النار».

Яъни, «Эй Парвардигор! Эй
осмонлару ернинг яратувчиси! Эй
буюклик ва карам сохиби! Эй тирик

ва абадий зот! Барча хамду сано,
мактовларга лойик зот эканлигинг
хурмати, хеч шерикка муҳтож
бўлмаган, тенгсиз тангри эканлигинг
хурмати, танҳо ўзингдан бўлак хак
маъбуд йўклиги хакки,
жаннатингдан бенасиб килма,
дўзахдан паноҳ бер!».

«اللهم إني أعوذ بك من زوال نعمتك، وتحول عافيتك، ومن فجاءة نقمتك، و جميع سخطك».

Яъни, «Парвардигоро, неъматингни
ва оғиятингни мендан дариг
тутма, бу ночор бандангни қаҳру
газабингга дучор эмта».

Агар бошингизга бирон гам кайгу,
мусибат тушса, **расулуллоҳ**

саллоллоху алайхи ва саллам тавсия килган куйидаги дуоларни ўкинг:

«لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الْعَظِيمُ الْحَلِيمُ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَرَبُّ
الْأَرْضِ وَرَبُّ الْعَرْشِ الْكَرِيمِ».

Яъни, «Буюк ва мулойим
(бўлмиш) Аллоҳдан ўзга хак маъбуд
йўқдир. Буюк Арш сохиби
— Аллоҳдан бўлак ибодатга лойик
зот йўқдир, Осмонлару Ер
Парвардигори Улуг Арш
эгаси Аллоҳдан бошка илоҳ йўқ».

«يَا حَسْنَةً يَا حَسْنَةً أَسْتَغْفِرُكَ بِرَحْمَتِكَ فَأَصْلَحْ لِي شَأْنِي كَلَهُ وَلَا تَكْلِنِي إِلَى نَفْسِي طَرْفَةَ عَيْنٍ».

Яъни, «Эй тирик ва абадий
зот! Рахмлилигинг хурмати, сенга
ёлвораман: бутун борлигимни ислоҳ

кил. Мени бир лахза бўлса хам
ўзимга топшириб кўймагин».

«لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سَبَّحْنَاكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ».

Яъни, «ўзингдан бошка ибодатга
лойик зот йўқ, сен хамма
нуксонлардан поксан, мен ўзимга
зулм килиб кўйдим»

«اللَّهُمَّ إِنِّي عَبْدُكَ، ابْنُ أَمْتَكَ، نَاصِيَّتِي بِيْدُكَ، ماضٌ فِي حَكْمِكَ، عَدْلٌ فِي قَضَائِكَ،
أَسْأَلُكَ بِكُلِّ اسْمٍ هُوَ لَكَ، سَمِيَّتْ بِهِ نَفْسِكَ، أَوْ أَنْزَلْتَهُ فِي كِتَابِكَ، أَوْ عَلَمْتَهُ أَحَدًا مِنْ خَلْقِكَ، أَوْ
اسْتَأْثَرْتَ بِهِ فِي عِلْمِ الْغَيْبِ عِنْدَكَ، أَنْ تَجْعَلَ الْقُرْآنَ رَبِيعَ قَلْبِيِّيِّ، وَنُورَ صَدْرِيِّيِّ، وَجَلَاءَ حَزْنِيِّيِّ،
وَذَهَابَ هَمِّيِّ».»

Яъни «Парвардигоро, мен кулинг ва
чўрингнинг фарзанди – бир
бечора кулингдирман, такдирим
сенинг кўлингда, мен тўгримда бир
хукм чикарсанг, мукаррар, ижро
бўлажакдир, менга келган хамма

казоинг айни адолатдир. Ўзинг ёд этган номларинг хакки, китобингда нозил килган, бандаларингдан бирон кишига ўргатган, ёки илми гайбингда – ўз хузурингда хеч кимга огох килмасдан саклаб кўйган хамма номларинг хурмати, **сендан сўрайман:** Куръонни калбимнинг баҳори, дилимнинг нури, гаму кайгуларимга малхам килгин».

«اللهم إني أسألك العفو والعافية في الدنيا والآخرة، اللهم إني أسألك العفو والعافية في ديني ودنياي وأهلي ومالي، اللهم استر عوراتي، وامن روعاتي، اللهم احفظني من بين يدي، ومن خلفي، وعن يميني، وعن شمالي، ومن فوقني، وأعوذ بعظمتك أن أغتال من تحتي».

Яъни, «Эй Аллох! Мен Сендан дунё ва охиратда авфу-офият сўрайман. Эй Аллохим! Мен Сендан динимда, дунёйимда, ахлимда ва молимда офият-хотиржамликни сўрайман. Эй

Аллох! Менинг авратларимни
беркитгин! кўркувимдан омонлик
бергин-кетказгин. Эй Аллох! Мен
олдимдан, ортимдан, ўнгу-сўлимдан
ва тепамдан, бало келишидан
саклагин! Остимдан хам бало келиб
колишидан ўзинг паноҳ бер»

Тўртинчи мактуб

Азиз биродар! Шубхасиз, биз
мусулмонлар хаммамиз суюкли
пайгамбаримиз Мухаммад
саллоллоху алайхи ва салламнинг
Аллохнинг бандаси ва элчиси
эканлигига гувохлик берамиз. Аллох
таоло у зотни бутун оламга раҳмат
килиб, такводор кишиларга

йўлбошчи ва хамма халклар устидан хужжат килиб юборди. Бу киши пайгамбарликни бекаму-кўст етказдилар, зиммаларига юкланган омонатни тўлик адо этдилар, умматларига холис насиҳат килдилар. Бизни туни хам кундузdek ёп-ёруг йўл устига кўйиб кетдиларки, бундан баҳтсиз кишиларгина юз ўгиради! Аллоҳ таоло у киши оркали одамларни залолат – гумроҳликдан хидоят – тўгри йўлга бошлади, одамларнинг калб кўзларини очди. Парвардигор у кишининг мартабаларини баланд килди, амру-фармонларига каршилик килганларни, йўлларига хилоф иш

тутганларни хору-зорликка махкум
этди.

У зотга, ахли байтлари ва барча
асхобларига, киёматга кадар ул
зотнинг йўлларига чакирган,
суннатларига эргашган, «чишиб»
берган йўлларидан юрган кишиларга
яратганининг салоту саломлари
бўлсин.

Аллоҳ таоло биз бандаларга у
кишига бўйсунишни, яхши кўриб
улуглашни ва хакларини адо этишни
фарз килди. Мухтарам биродар,
бизнинг пайгамбар саллоллоху
алайхи ва саллам олдидаги бурчимиз
нималардан иборат? Куйида

зиммамиздаги у кишининг анча хукукларидан баъзиларини айтиб ўтаман.

1. кўп салавоту саломлар айтиш.

Аллоҳ таоло айтади:

(إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلِّوْنَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا)
(الأحزاب: ٥٦)

«Албатта Аллоҳ хам, унинг фаришталари хам пайгамбарга дую салавот айтурлар, эй мўминлар, сизлар хам у зотга салавот ва салом айтинглар!»
(Ахзоб: ٥٦).

Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким менга бир бор

салавот айтса, бунинг эвазига Аллоҳ таоло унга ўнта салавот юборади». [۲۶]

Кимматли биродарим, энг афзal салавот у зотнинг ўзлари асхобларига ўргатиб кетаган салавотлариdir. **Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам:**

(اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ، اللَّهُمَّ باركْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ).

۲. У зотни чин дилдан яхши кўриш, хеч кимни у кишича яхши кўрмаслик.

Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Биронтангиз мени

ўз фарзандидан, отасидан ва хамма одамлардан кўра кўпроқ яхши кўрмагунча мўмин бўла олмайди» (Муттафакун алайх).

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва салламнинг суннатлари ва буйрукларини хар кандай одамнинг розилигидан устун кўйиш, хамма кайтарикларидан тийилиш, бир сўз билан айтганда, у кишига эргашиш одобларига риоя килиш у кишига бўлган мухаббат аломатларидандир.

۳. У зотнинг буйрук ва кайтарикларига бўйсуниш, олиб келган хабарларини тасдиклаш.
Аллоҳ таоло айтади:

(وَمَا آتَكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانثِهُوا) (الحشر:٧)

«Пайгамбар сизларга олиб келиб келган нарсани олинглар, у зот кайтарган нарсадан кайтинглар...» (Хашр:٧).

Бошка оятда бундай дейди:

(قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحِبِّكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرُ لَكُمْ ذُنُوبُكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ) (آل عمران:٣)

«Айтинг (Эй Мухаммад): агар мени севсангиз менга эргашинглар. Шунда Аллох сизларни севади ва гунохларингизни магфират килади. Аллох (гунохларни) магфират килгувчи меҳрибондир» (Оли Имрон:٣١).

Бошка оятда бундай дейди:

(لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِمَنْ كَانَ يَرْجُو اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا)
(الأحزاب: ٢١)

«(Эй мўминлар), сизлар учун

— Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган хамда Аллоҳни кўп ёд килган кишилар учун Аллоҳнинг пайгамбарида гўзал намуна бордир» (Ахзоб: ۲۱).

4. У зотнинг суннатларига хукм сўраб мурожаат килиш ва чикарган хукмларига эътиroz билдиrmасдан рози бўлиш фарздир.

Аллоҳ таоло айтади:

(فَلَا وَرِبَّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجاً مِمَّا قَضَيْنَا
وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيماً) (النساء: ٦٥)

«Йўқ, Парвардигорингизга касамки,
то улар ўз ўрталарида чиккан
келишмовчиликларда сизни хакам
килмагунларича ва кейин сиз
чикарган хукмдан дилларида хеч
кандай танглик топмай, тўла таслим
бўлмагунларича –
бўйсунмагунларича зинхор мўмин
бўла олмайдила» (Нисо: ۱۰).

◦ Аллоҳ таолога фикр-
ҳохишимиз, хавою нафсимиз,
бидъатлар ёки ота-боболардан
«мерос» колган ур-одатлар билан
эмас, балки расулуллоҳ саллоллоҳу
алайхи ва саллам олиб
келган, Аллоҳ тузган конун бўйича
ибодат килмогимиз лозим. Чунки, у

киши яратувчи томонидан етказувчидирлар. Биз хаммамиз у киши пайгамбарликни етказиб, омонатни тўлик адо этганларига ва умматларига холис насихат килганларига гувохлик берамиз. Бирон яхшилик колмаганки, кўрсатмаган бўлсалар, бирон ёмонлик йўкки огохлантирган бўлсалар – Ота-оналаримиз у кишига фидо бўлсин. Дарҳакикат, Аллоҳ таоло у киши оркали неъматини тўлик килиб, динини комил килди.

Аллоҳ таоло айтади:

(الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَنْثَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيَتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا) (المائدة: ٣)

«Бугун сизларга динингизни комил килдим, неъматимни бенуксон, тўқис килиб бердим ва сизлар учун (факат) Исломни дин килиб танладим» (Моида:۵).

Бешинчи мактуб

Хожи биродарим, Аллоҳ таоло хаммамизни ўзига итоат килиш баҳтига мушарраф килсин. Ислом умматига қуфр миллатлари томонидан ошкора адоват ўклари ёгилаётган, мусибат ва фожеалар гирдобида колган, мусаффо осмонини кора булутлар коплаган ушбу аянчли кунларда мусулмон ўз эътиқодига ахамият бермоги,

Эътиқодини тузатиб, коплаб турган кора булутларни осмонидан хайдамоги лозимдир. Чунки, сог-соф эътиқод умматга ўзлигини кайтаради ва душманлар томонидан режалаштирилган манфур ишнинг – куфр миллати ичига сингиб, йўқ бўлиб кетишнинг олдини олади. Соглом эътиқод умматни бирлаштиради, писиб турган душманни танитиб, унинг режаниятларини тўгри кўра билишга муваффак килади. Бир сўз билан айтганда, соглом эътиқод умматга ўзлигини кайтаради.

Эътиқоднинг «Ал-валоу вал-баро»[۲۷] боби умматнинг бутун

борлигини саклайдиган, уни бир тану бир жон киладиган, куфр миллатига кўшилиб, йўк бўлиб кетишининг олдини оладиган муҳим боблардан биридир. «Ал-валоу валбаро» эътиқодини душманлар мусулмонлар хаётидан ўчириб ташлашга уриниб, имкониятларидағи бор чора воситаларни кўлладилар. Лекин, хар-бир мусулмон кунига камида ўн етти бор яхудий ва насоро (христиан)лар йўлидан паноҳ тилаб, «Бизларни газабга дучор бўлмаган ва хак йўлдан тоймаган зотларга инъом килган йўлинг бўлмиш – тўгри йўлга йўллагайсан» (Фотиха: ۱,۷) деб Аллоҳга ёлворар экан, бу макру

хийлалар асло таъсир килмайди. Газабга дучор бўлганлар яхудийлар ва улар каби билиб туриб амал килмаган кимсалардир. Хак йўлдан тойганлар эса, насоролар ва улардек билимсизлик билан Аллоҳга ибодат килган нодон кимсалардир. [Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам:](#) «Фотиха сурасини ўқимаган кишининг намози намоз эмас» - деганлар.

Барча мусулмонлар ардоклайдиган азиз куръони карим оятлари хар кандай кофир билан дўстлашиш у ёкда турсин, уларга ишониш, хатто хайриҳоҳлик килишнинг хам ёмон

окибатларидан огохлантириб туради. Куръони карим «тавхдул-ибода» (ёлгиз бир тангрига сигиниш) ва «алвалоу-валбаро» эътиқодларини атрофлича ёритиб бериши натижасида ислом уммати шаклланиб, ислом келишидан олдин бўлиб турган барча низоларга, келишмовчиликларга бархам берилди, жамиятда кофирга ишониш, гап-сўзи, ваъдаси ва хабарларини тасдиклаш колмади.

Алвалоу валбаро акидаси йўк бўлар ёки сусаяр экан, одамлар душманларига огиб коладилар, душманлари эса уларни оғир азоблар билан кийнаб, хурматларини оёқ

ости килади. Ана шундай вактларда мусулмонларга эътиқодларини таълим бериб, душманлар билан кандай муомалада бўлишни баён киладиган, эътиқоддан гафлатда бўлиш олиб келадиган ёмон окибатлардан огохлантирувчи куръон карим оятларига кулок тутиб, уларни хаётда татбик этиш мусулмонлар учун накадар мухимдир. Куйида куръон карим баён этган таълимотлардан айримларини келтирамиз:

۱. Куръонда кофирларнинг иши мусулмонларни кийнаб ўлдириш ёки диндан кайтариш эканлигини ўкиймиз:

(إِنَّمَا إِنْ يَظْهِرُوا عَلَيْكُمْ يَرْجُمُوكُمْ أَوْ يُعِيدُوكُمْ فِي مَلَكِهِمْ وَلَنْ تُفْلِحُوا إِذَا أَبْدَأُمْ) (الكهف: ٢٠)

«Чунки, улар (яъни шахар ахли кофирлар) сизлардан огох бўлиб колсалар, сизларни тошбўрон килурлар ёки яна ўзларининг динларига кайтарурлар ва у холда хеч качон кутула олмассизлар» - дейишиди» (Кахф: ۲۰).

۲. Кофирлар ўзларининг йўлларини, услублару хийла найрангларини канчалик хилма-хил этмасинлар, барибир, мусулмонлар билан урушда, уларни тахкирлаб озор етказишда давом этаётганлигини, кўлларидан келса динларидан жудо килгунча

кўнгиллари тинчимаслигини онгли мусулмон яхши билади.

(وَلَا يَرْأُونَ يُقَاتِلُوكُمْ حَتَّىٰ يَرُدُّوكُمْ عَنْ دِينِكُمْ إِنْ اسْتَطَاعُوا وَمَنْ يَرْتَدِدْ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَإِمْتُمْ
وَهُوَ كَافِرٌ فَأُولَئِكَ حِيطَنُ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ وَأُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا حَالِدُونَ)
(البقرة: ٢١٧)

«Улар (кофирлар) кўлларидан келса то динингиздан кайтаргунларича сизлар билан урушаверадилар. Сизлардан ким ўз динидан кайтиб, динсиз холда ўлса, ундей кимсаларнинг килган амаллари дунёю охиратда бехуда кетур. Улар дўзах эгалариридир ва унда абадий колажаклар» (Бакара: ۲۱۷).

۳. Яхудий ва насороларга канчалик паст келсангиз, хукукларингиздан воз кечиш билан уларни рози

килмокчи бўлсангиз ва хар кандай хўрлаш-тахкирлашларга кўниб, улар истаган ишларини килсангизда, ўз динингиз, эътиқодингиз ва диндош биродарларингиздан юз ўгириб, у кофирларнинг динига эргашмасангиз, улар сиздан хеч качон рози бўлмайдилар. **Аллоҳ таоло айтади:**

(وَلَنْ تَرْضَى عَنْكُ الْيَهُودُ وَلَا النَّصَارَى حَتَّى تُتَبَّعَ مُلَّئِمُهُمْ) (البقرة: ١٢٠)

«Яхудий ва насронийлар уларнинг динига кирмагунингизча харгиз сиздан рози бўлмайди» (Бакара: ۱۲۰).

4. Улар тилларида дўстлик, меҳр-шафкат, инсон хукукларини химоя килиш каби нарсалар билан лоф

урадилар. Калблари эса бизни
кўролмаслик, [адоват билан тўла!](#)
[Аллоҳ таоло айтади:](#)

(يُرْضُونَكُم بِأَفْوَاهِهِمْ وَتَأْبَى قُلُوبُهُمْ وَأَكْثُرُهُمْ فَاسِقُونَ) (التوبه:٨)

«Огизларида сизларни рози
килишадиу, кўнгиллари ([ахдга ваф](#)
[килишга](#)) ибо-ор килади. Уларнинг
кўплари итоатсиздир» ([Тавба:۸](#)).

۵. Улар бизга заарар етказиш
йўлида кучларини аямайдилар, бизга
бало мусибатлар келиши уларни
жуда хурсанд килади. Уларнинг
ахволларини кузатган киши мазкур
ишлар уларнинг ўз оғзи –
баёнотларидан содир бўлаётганининг
шохиди бўлади. Дилларидаги

адоватлари эса янада каттарокдир.

Аллох таоло айтади:

(بِاَيْمَانِهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَخَذُوا بِطَائِنَةً مِّنْ دُونِكُمْ لَا يَأْلُو نَكْمَ حَبَالًا وَدُوا مَا عَنِتُّمْ قَدْ بَدَتِ الْبَعْضَاءُ مِنْ اُفْوَاهِهِمْ وَمَا تُحْفِي صُدُورُهُمْ أَكْبَرُ قَدْ بَيَّنَّا لَكُمُ الْآيَاتِ إِنْ كُلُّكُمْ شَقِيقُونَ) (آل عمران: ١١٨)

«Эй мўминлар, ўзларингни кўйиб, бошка (кофир-мунофик) ларни сирдош дўст килиб тутманглар! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва ёмон холга тушишингизни орзу киладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўриши оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидағи адоватлари эса янада каттарокдир. Агар акл юргизсангизлар, сизлар учун ояталоматларни аник-равшан килиб бердик». (Оли Имрон: ۱۱۸)

Бошка оятда бундай дейди:

(إِنْ تَمْسِكُمْ حَسَنَةً تَسْرُّهُمْ وَإِنْ تُصِبُّهُمْ سَيِّئَةً يَفْرُّهُوا بِهَا وَإِنْ تَصْبِرُوْا وَتَنْتَهُوا لَا يَصْرُكُمْ كَيْدُهُمْ شَيْئًا إِنَّ اللَّهَ بِمَا يَعْمَلُونَ مُحِيطٌ) (آل عمران: ١٢٠)

«Агар сизларга бирон яхшилик тегса, бу уларни хафа килади. Агар сизларга бирон ёмонлик етса бундан хурсанд бўладилар. Агар сабр токат килсангиз ва Аллохдан кўрксангиз, уларнинг найранглари сизларга зарар кила олмайди. Албатта Аллоҳ уларнинг килаётган амалларини ихоти килгувчиидир» (Оли Имрон: ۱۲۰).

Аллоҳ таоло улар холи колсалар, бизга карши нафрат-адоватларини

ошкор килишларини билдириб,
шундай дейди:

(وَإِذَا خَلُوا عَصُّوا عَلَيْكُمُ الْأَنَاءِ مِنَ الْغَيْظِ) (آل عمران: ١١٩)

«Үзлари холи колишганда эса
сизларни каттик ёмон кўрганлари
сабабли бармокларини
тишлайдилар» (Оли Имрон: ۱۱۹).

Маълумки, инсон газабланса бир
бармогини тишлиди. Лекин улар
адоват нафратлари кучлилигидан бор
бармокларини тишлидилар.

၆. Кофирлар билан дўстлашишга
кариндош-уруг ва бола-чакаларга
хавф борлиги баҳона бўла олмайди.
Аллоҳ таоло: «Эй мўминлар, менинг

душманим ва сизларнинг
душманларингиз (**бўлган**
мушриклар) ни дўст тутманглар!
Сизлар уларга дўстлик (**хакида хат-**
хабар) юборурсизлар...»
(Мумтахана: ۱) дегандан сўнг шу
бахонани кўрсатганларга жавоб
бериб айтаяптики:

(لَنْ تَنْفَعُكُمْ أَرْحَامُكُمْ وَلَا أُولَادُكُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ يَعْصِلُ بَيْنَكُمْ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ) (المتحنة: ۳)

«(**киёмат кунида**) сизларга
кариндош-уругларингиз хам, бола-
чакаларингиз хам харгиз фойда
бермас! **Киёмат кунида** (**Аллоҳ**)
ўрталарингизни ажратиб кўюр.
(нечун ўша ург-авлодингизни химоя
килиш учун Аллоҳга

генохкор бўлмокдасизлар?!). Аллоҳ килаётган амалларингизни кўриб тургувчи дир» (Мумтахана:۳).

۷. Кофирлар ўзаро ихтилоф килиб, ўрталарида урушлар бўлиб турса хам, ислом уммати – мусулмонларга карши бирлашиб, хамкор бўладилар. Шу холатда улар бир умматга айланиб, бир-бирлари билан дўстлашадилар. Мўминлар бирлашиб, бир-бирларига дўст бўлмас эканлар, катта фитна ва фасод бўлади.

(وَالَّذِينَ كَفَرُوا بَعْضُهُمْ أُولَئِكُمْ بَعْضٌ إِلَّا تَقْعُلُوهُ تَكُنْ فِتْنَةٌ فِي الْأَرْضِ وَفَسَادٌ كَثِيرٌ) (لأنفال: ۷۳)

«Кофир бўлган кимсалар бир-бирларига хамкордирлар. (Бас, эй

мўминлар сизлар уларни
ўзларингизга душман тутингиз.)
Агар шундай килмасанглар (яъни,
мўминга дўст, кофирга душман
бўлмасанглар), ерда фитна ва катта
фасод бўлур». (Анфол: ٧٣).

ʌ. Хузайфа розияллоху
анху «ўзларинг билмаган холда
яхудий ёки насроний бўлиб
колишдан кўркинглар!» - деб
куйидаги оятга ишора килдилар:

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا الْيَهُودَ وَالنَّصَارَى أَوْ لِيَاءً بَعْضُهُمْ أَوْ لِيَاءً بَعْضٍ وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ مِنْكُمْ فَإِنَّهُ مِنْهُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهُوَيِ الْفَوْمَ الظَّالِمِينَ) (المائدَةٌ: ٥١)

«Эй мўминлар, яхудий ва
насронийларни дўст тутмангиз!
Уларнинг баъзилари баъзиларига

дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим кавмни хидоят килмас» (Моида:۵۱).

Аллоҳ таоло кофир ота, ака ё ўгилни дўст тутишдан кайтарган бўлса, бошкаларни кўяверинг! Аллоҳ таоло айтади:

(يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّخِذُوا آبَاءَكُمْ وَإِخْوَانَكُمْ أَوْلِيَاءَ إِنْ اسْتَحْبُوا الْكُفُرَ عَلَى الْإِيمَانِ وَمَنْ يَتَوَلَّهُمْ مِنْكُمْ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ) (التوبه: ۲۳)

«Эй мўминлар, агар иймондан куфрни афзал билсалар, ота-онангиз ва ака-укаларингизни хам дўст тутмангиз! Сизларнинг ичингизда кимда-ким уларни дўст тутса, бас, улар золимлардир» (Тавба:۲۳).

Бошка бир оятда эса бундай дейди:

(لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُؤَاذُونَ مِنْ حَادَّ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَلَوْ كَانُوا آبَاءُهُمْ أَوْ أَبْنَاءُهُمْ أَوْ إِخْرَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ أَوْ لِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ الْأَيْمَانَ وَأَيَّدَهُمْ بِرُوحٍ مِّنْهُ) (المجادلة: ٢٢)

«Оллохга ва охират кунига иймон келтирадиган кавмнинг Аллох ва унинг пайгамбари чизган чизикдан чиккан кимсалар билан – гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўгиллари, ёки ога-инилари, ёки кариндошур углари бўлсаларда дўстлашаётганларини топмассиз. Ана ўшаларнинг дилларига (Аллох) иймонни битиб кўйгандир ва уларни ўз томонидан бўлган рух – куръон билан кувватлантиргандир...»
(Мужодала: ۲۲).

Азиз биродарим, **куйида кофирлар билан дўстлашишнинг айрим кўринишларини айтиб ўтаман:**

- Кофирларга одоб-ахлок, кийиниш ва шу кабиларда таклид килиш. **Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам айтадилар:** «Ким ўзини бир кавмга ўхшатса у шу кавмдандир (яъни, мусулмонлардек юрган киши мусулмон, кофирлардек юрган киши кофир)»[۲۸].
- Мусулмонларга карши кофирларга ёрдам бериш. Бу иш одамларнинг муртад бўлишига – мусулмонликдан чикиб колишига сабаб бўлади.

- Кофирларни мусулмонларнинг сирларидан хабардор бўладиган мансабларга кўйиш. Уларни сирдош, маслахатчи килиб олиш хам шу жумладандир.
- Кофирларнинг байрам (**янги йилни нишонлаш каби**) ва тўйларида иштирок этиш, шу маросимларни ўtkазишга ёрдамлашиш ёки шу муносабат билан уларни табриклаш (**масалан, «янги йилингиз билан!»**)[\[۲۹\]](#).

Олтинчи мактуб

Исломнинг калимаи шаходат – «Ла илаха иллаллоху Мухаммадуррасулуллох» дан кейинги буюк

рукни, асоси – НАМОЗ хакида икки огиз сўзламокчиман.

Намоз пайгамбар саллоллоху алайхи ва салламнинг сўнгги васиятлариdir. **Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам вафот этаётган вактларида:** «Намозга махкам бўлинглар, намозга махкам бўлинглар!» деганлар [۳۰]

Айрим мусулмонлар намознинг хукмини билмаганлариданми, ёки эътиборсизлик килибми, намозга бепарво карайдилар. Масалан, айримлар вактидан кечиктириб юборсалар, баъзилар жамоатни хеч-бир узрсиз тарк этадилар, хатто

умуман намозни адо этмайдиганлар хам бор!

Намозга бепарволик нихоятда хатарлидир. Чунки, намоз исломни күтариб турувчи устун, куфр билан исломни ажратиб турадиган мустахкам девордир. Шунинг учун хам уламолар намозни тарк килган киши кофир бўлади дейдилар. **Аллоҳ таоло шундай дейди:**

(فَإِنْ تَأْبُوا وَأَفَأَمْوَالُ الصَّلَاةِ وَأَتَوْا الزَّكَاءَ فَإِلَّا هُوَ أَنْكُمْ فِي الدِّينِ) (التوبه: ١١)

«Энди агар тавба килсалар ва намозни тўқис адо этишиб, закотни (**хакдорларга**) ато килсалар, у холда диний биродарингиздир» (**Тавба: ۱۱**).

Бу ояти карима намозни тарк килган
киши мусулмонларга биродар
эмаслигини баён килди.

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва
саллам айтадилар: «Одам билан
ширк ва куфр ўртасидаги нарса
намозни тарк килишдир. (яъни,
намозни тарк килган киши
мусулмонликдан чикиб, куфр, ширк
доирасига кириб колади)»[\[۳۱\]](#).

Бошка бир хадисда бундай дейдилар:
«Биз билан улар (кофирлар)
ўртасидаги аҳд намоздир. Ким
намозни тарк килса кофир
бўлади»[\[۳۲\]](#).

Абдуллоҳ ибн Шакик: «Пайгамбар саллоллоҳу алайхи ва салламнинг асхоблари намоздан бошқа бирор амални тарк этишни куфр деб билмасдилар» - дейди.[\[۳۳\]](#)

Хурматли хожи биродарим, намозни тарк килишни окибати ёмондир. Уламолар, бернамоз одам кофир бўлади дейишган. **Кофир эса:**

۱. Оилада бошлиқ бўлиши жоиз эмас.
۲. Меросда хакки бўлмайди ва унинг мероси хам (**яъни, вафот килганидан сўнг**) меросхўрларига таксим килинмайди.

۳. Унинг Маккага кириши мумкин эмас, харомдир. Чунки, **Аллоҳ таоло бундай дейди:**

(إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ فَلَا يَقْرَبُوا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ بَعْدَ عَامِهِمْ هَذَا) (التوبه: ۲۸)

«Эй мўминлар, хеч шак-шубхасиз мушриклар нопок кимсалардир, бас, (улар) бу йилдан сўнг Масжидул – Харомга якин келмасинлар!...»
(Тавба: ۲۸).

۴. У сўйган хайвонни еб бўлмайди.

۵. Агар вафот этса жаноза ўқилмайди ва хаккига дуо килинмайди.

۶. Агар аёли намоз ўкийдиган мусулмон аёл бўлса, талок тушади.

✓. Мусулмонларнинг кабристонига дафн килинмайди.

Хожи биродарим, Аллоҳ сизни хамма ёмонликлардан асрасин, намозни ўз вактида жамоат билан адo килишингиз зарурдир. Касаллик ёки кўркув каби узр бўлмаса, уйда намоз ўкишингиз дуруст эмас. **Аллоҳ таоло айтади:**

(وَارْكَعُوا مَعَ الرَّاكِعِينَ) (البقرة: ٤٣)

«...Рукуъ килувчилар билан бирга рукуъ килинг» (Бакара: ٤٣).

Аллоҳ таоло намозни жамоат билан адo килишни хатто уруш холатида, душманга юзма-юз келган холатда

хам фарз килди. Агар жамоатни тарк килишда бирон кишининг узри кабул килинганда эди, душман каршисида саф тортиб турганлар якка холда ўкишлари жоиз бўлган бўларди.
Лекин, Аллоҳ таоло шу холатда **хам жамоат билан ўкишга буюриб шундай дейди:**

(وَإِذَا كُنْتَ فِيهِمْ فَأَقْمِنْتَ لَهُم الصَّلَاةَ فَلْيَقْمِنْ طَائِفَةٌ مِّنْهُمْ مَعَكَ وَلْيَأْخُذُوا أَسْلَحَتَهُمْ فَإِذَا سَجَدُوا فَلْيَكُونُوا مِنْ وَرَائِكُمْ وَلَنْتَ طَائِفَةٌ أُخْرَى لَمْ يُصَلِّوَا فَلْيَصُلِّوَا مَعَكَ وَلْيَأْخُذُوا حِذْرُهُمْ وَأَسْلَحَتَهُمْ) (النساء: ١٠٢)

«(Эй Мухаммад), качон сиз (жанг майдонида) мўминлар орасида бўлиб, уларга имом бўлган холда намоз ўқимокчи бўлсангиз, улардан бир тоифаси куролланган холларида сиз билан намозга турсинлар. Бас,

качон сажда килишгач (яъни, намозни ўкиб бўлишгач), оркаларингга бориб сизларни кўриклаб турсинлар ва хали намоз ўкимаган бошка тоифа келиб сиз билан бирга намоз ўқисинлар. Улар хам эхтиёт чораларини кўриб куролланиб олсинлар» (Нисо: ۱・۲).

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам шундай дейдилар: «Бир кишини имомликка ўтишга буюриб, сўнг жамоатга келмайдиганларнинг уйларига бир неча кишилар билан бориб, устларидан ўт кўйиб юборгим келиб колди». [۳۴]

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам замонларини сифатлаб айтадилар: «Нифоки ошкор бўлган мунофик ёки каттик касалдан бошка бирор киши жамоатдан колмасди. Хатто баъзи касалларни намозга икки киши кўлтикларидан суюб олиб келишарди.

Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху яна шундай дейдилар: «Кимки тонгла киёмат Аллохга мусулмон холда рўпара бўлишни истаса, мана шу беш вакт намозни ўз вактида, жамоат билан доим адо этиб юрсин. Чунки, бу намозлар Аллох ўз пайгамбарига кўрсатиб берган

хидоят – тўгри йўлнинг асосий аломат – белгилариданdir. Агар жамоатни тарқ этган мана бу одамга ўхшаб уйингизда намоз ўқисангиз, пайгамбарингиз йўлини ташлаган бўласиз. Пайгамбарингиз йўлини тарқ этсангиз, шубҳасиз, хак йўлдан тойиб, гумроҳлик чохига йикиласиз. Кимки яхшилаб тахорат олиб, сўнгра масжид томон йўл олар экан, босган хар кадами эвазига Аллоҳ бир савоб ёзиб, мартабасини яна бир погона кўтаради ва килган гуноҳларидан бирини афв этади».

Бир кўр одам пайгамбаримиз саллоллоҳу алайхи ва саллам ёнларига келиб, **шундай деди:** «Эй

расулуллох, менинг масжидга етаклаб олиб келадиган хеч кимим йўк. Намозни уйимда ўқисам майлими?». [Пайгамбар ундан:](#) «азонни эшитасизми?» - деб сўрадилар. У «ха» деб жавоб бергач: «ундай бўлса, жамоатга келинг!» дедилар. Каранг, пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам умматларига нихоятда меҳрибон, раҳмдил бир зот бўлсаларда, ушбу кўзи ожиз одамга жамоатни тарқ килишга рухсат бермадилар. Шунинг ўзи жамоатни тарқ килиш хеч мумкин эмаслигига яккол далил бўлади.

Мухтарам биродар, намозни жамоат билан адо этишга каттик эътибор бермогингиз, жамоатни хеч тарқ килмаслигингиз зарурдир. Бу ишга фарзандлар, ака-ука, кўни-кўшни ва бошка мусулмон биродарларни хам чорламогингиз лозим. Шунда Аллоҳ ва пайгамбарининг буйруклариға бўйсунган, кайтарикларидан кайтган, нифок ахлига ўхшаб колишдан узок бўлган бўласиз.

Аллоҳ хаммамизни ўз ризосига етказувчи эзгу ишларни килишга муваффак килиб, барча ёмон ишлардан ўзи сакласин.

Еттинчи мактуб

Иймон заиф, илм оз бўлгани сабабли мусулмонлар орасида уларнинг мусаффо хаётларини булгайдиган ва разил ишлар билан дину дунёларини бузадиган одамлар кўпайди.

Мусулмонлар куч-куватлари бор вактларда бундай ишларга йўл кўймай, бузгунчиларнинг адабини берардилар.

Шундай манфур ишлардан бири сехр ва сехргарлардир.

Азиз биродар, Аллоҳ таоло барчамизни хамма ёмонликлардан сакласин. Сехр катта гунохлардан бири бўлиб, [уни пайгамбар саллоллоҳу алайхи ва саллам ширк](#)

билин тенглаштирганлар: «Халок килувчи етти гунохдан сакланинглар! У гунохлар – ширк, сехр, ...лардир». [٣٥]

Бошка бир хадисда пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам сехргарлар мусулмон эмаслигини баён килдилар: «Куш учирив фол очган ёки очтирган, парихонлик килган ёки парихонга борган ва сехргарлик килган ёки сехрга борган киши мусулмон эмас». [٣٦]

Сехргарнинг сўзига ишониш куфрдир, Аллох таоло хаммамизни бу балодан сакласин. Ибн Масъуд розияллоху анху айтадилар:

«Кимки сехргар, фолбин ёки парихонга бориб гапирган гапига ишонса, Мухаммад саллоллоху алайхи ва салламга нозил килинган диндан чикади».[\[۳۷\]](#)

Сехгарнинг жазоси ўлимдир.

Умар ибн Хаттоб: «Учраган сехгарни ўлдиринглар!» - деб хокимларга буюрдилар. **Бужола исмли киши:** «Шунда уч сехгар аёлни ўлдирдик» - деб хикоя килади.[\[۳۸\]](#)

Жундуб ибн Абдуллох розияллоху анху айтадилар: «Сехгарнинг жазоси катлдир».[\[۳۹\]](#)

Азиз биродар, билингки, сехргар, фолбин, парихонларга бориш каби гунох ишлар билан шифо топаман дейиш гумрохлик ва ширкдир.

Шифони факат Аллох таоло беради. Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам Аллох таоло харом нарса билан мусулмонларга шифо бермаслигини айтганлар.

Сехр - **Аллох барчамизни ўз панохида асрасин – куйидаги ишлар билан даволанади:**

1. Сехргар афсун килганида ишлатган буюмлар топилса, ёкиб, кўмиб юборилади. [ξ •]

۲. Куръон ва пайгамбар саллоллоху алайхи ва салламнинг дуолари билан дам солиш энг фойдали даволардан саналади. **Бу дуоларга куйидагиларни мисол килиш мумкин:** «Фотиха» сураси, «Оятал-курсий», икки «кул аъзу» сураси ва ушбу дуолар:

- Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам набиралари Хасан ва Хусайнга дам солганларида куйидаги дуони айтардилар: «Уъийзукумо бикалиматиллахит-тамма мин кулли шайтонин ва хамма, ва мин кулли айни ламма». Яъни, Аллохнинг етуқ калималари [۴۱] хакки, сизни хамма шайтонлардан, захарли

хашаротлардан ва ёмон кўздан ўзи асрасин».

- «Бисмиллахи уркайка, валлоху яшфийка мин кулли доин юъзийка». Яъни, «Аллохнинг номи билан дам солаяпман. Сенга озор етказаётган дардларга Аллоҳ ўзи шифо бергайй»[\[42\]](#)
- «Асьалуллохал-азийм, роббал-аршил карим ан яшфияк» яъни, «арш эгаси буюк Аллоҳдан сенга шифо беришини сўрайман». [\[43\]](#) Бу дуо етти бор айтилади.
- «Азхибил-баъс, роббаннас, ишфи анташ-шофий, ла шифаа илла шифоука, шифаан ла югодиру

сакоман». Яъни, «Эй парвардигор, кулфатни кеткизгин. Хеч дард колдирмайдиган шифо бер, факат сенгина шифо берасан. Сенинг шифойингдан бошка шифо йўқдир».[\[44\]](#)

۳. Эрталаб ва кечкурун айтиладиган зикрларни доим айтиш Аллохнинг изни иродаси билан, хамма балолардан сакловчи сабабларнинг энг афзалидир. Бу зикрлар куръон оятлари ва пайгамбар саллоллоху алайхи ва салламнинг дуоларидан бўлиши лозим.

ξ. Сехр ва бошка мусибатлардан сакланишнинг энг яхши йўли Аллохнинг буйрукларини бажариш, кайтарикларидан кайтишдир. Кўп одамлар бепарво бўлиб, Аллохнинг буйрукларини бажаришга ахамият бермайдилар ва Аллоҳ харом килган нарсалардан тийилмайдилар. Сўнг бирор дардга чалинганларида, Аллоҳни эслаб колишади. [Пайгамбар](#) саллоллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Аббосга килган насиҳатларида [айтадиларки](#): «Фаровонлик – бойлик, соглик, бошга мусибат тушмаган вактларда Аллоҳга ўзингни танитгин, кийинчилик вактида у хам сени танийди».

Демак, ким соглик, куч-куввати бор вактида Аллохга якин бўлса, касал бўлган ва кучдан колган чогида Аллох унга якин бўлади.

Саккизинчи мактуб

Мухтарам биродар, яхши хулк Аллох ва расули сужиган улуг хислатлардан биридир. Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам шундай дейдилар: «Аллох таоло юксак ахлокларни яхши кўради, тубан, разил феълларни эса ёктирмайди». [ξο]

Яхши хулк деганда нимани тушунамиз? Яхши хулк – Абдуллоҳ ибн Муборак айтганларидек – очик

чехра билан муомала килиш, кўлдан
келган яхшиликни килиш, озор
беришдан ўзни тийиш демакдир.

Азиз биродар, биз шу кунларда
маънавий кашшоклик балосига
мубтало бўлганмиз. Одоб-ахлок
масаласига кўпчилик енгил-елпи,
бепарво карашади, баъзилар эса буни
бош котиришга арзимайдиган масала
деб биладилар.

Исломда одоб-ахлок масаласи гоятда
юкори ўрин эгаллайди. Буни
пайгамбар саллоллоху алайхи ва
салламнинг «Мен юксак инсоний
фазилатларни мукаммал килиш
учунгина юборилганман» - деган

сўзларидан билиб олса бўлади. Гўё у зот пайгамбарликдан кўзланган максадни факат шу масалага чекладилар.

Фикримизнинг яна бир далили шуки, пайгамбар саллоллоху алайхи ва салламга эзгулик хакида савол берилганда: «Эзгулик – яхши хулк эгаси бўлишдир» - деганлар.

Яхши хулк жуда кўп фазилатларни жамлаган бўлиб, куйида шулардан баъзиларини айтиб ўтаман:

- Амаллар ичида энг кўп жаннатга киритувчи хислат – яхши хулкдир. Расулуллох саллоллоху алайхи ва салламдан «Кайси амал

кишиларни жаннатга кўп сазовор килади?» деб сўрадилар. Шунда у зот : «Такво ва яхши хулк» деб жавоб килдилар.

· Яхши хулк – киёмат куни барча амаллар тарозуга кўйилган пайтда «тош босадиган», тарозини огир киладиган энг улуг хислатdir. Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам шундай дейдилар: «Киёмат куни мўминнинг амаллари тортилаётган тарозида яхши хулкдан кўра огиррок бўлган бирон хислат йўқdir. Аллоҳ таоло фахш сўзларни сўзловчи, тилига эрк берган беодоб кимсаларни нихоятда ёмон кўради».

- Бу хислатни ўзида мужассам этган кишига жаннатнинг энг юкори, тўридан бир уй берилишига пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам кафил бўлганлар.
Абу Умома розияллоху анху у зотнинг шу сўзларни айтганларини хикоя килади: «Ким яхши хулк эгаси бўлса, унга жаннатнинг тўридан бир уй берилади. Бунга мен кафолат бераман».
- Яхши хулк эгасининг мартабаси кундузлари рўза тутиб, кечаларини тоат-ибодатда ўтказган зохиднинг мартабаси билан tengdir.
Оиша онамиз шундай дейдилар:
«Расулуллох саллоллоху алайхи ва

салламнинг мўмин одам ўзининг яхши хулки билан кундузлари рўза тутиб, кечалари намоз ўкиб ибодат килиб чиккан киши даражасига етади»- деб айтаётганларини эшитганман.

Чиройли, яхши хулк эгалари киёмат куни расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва салламга энг якин жойда бўладилар. **Расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам шундай дейдилар:** «Ораларингизда мен энг яхши кўрган, киёмат куни менга жуда якин жойдан ўрин оладиган кишилар – яхши хулк эгалариdir. **(Аксинча)** мен нихоятда нафратланадиган, киёматда жуда узокда бўладиган

кишилар – огзидан боди кириб, шоди чикувчи, такиллаган, мактанчок кимсалардир».

· Яхши хулк билан умматнинг энг етук, саховатпеша улуг кишилари одобланадилар.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизларнинг энг яхшиларингиз – чиройли хулк эгаларидир» - деган сўзни кўп айтардилар.

Мухтарам биродар! Бирон бир мусулмон одоб-ахлок масаласининг исломда бу кадар юксак ўрин эгаллаганини кўргандан сўнг, унга бепарво каармикан? Йўқ, асло!

Модомики у, пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам билан бирга бўлишни чин дилдан истар экан, расулуллох саллоллоху алайхи ва салламда мавжуд бўлган юксак ахлоклар билан одбланишга интилар экан, бу масалага бепарво караши сира хам мумкин эмас.

Анас розияллоху анху шундай дейдилар: «Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам одамлар ичида ЭНГ юксак ахлокли киши эдилар».

Абдуллох ибн Амр «Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам хеч качон ёмон сўзлар сўзламаган, ёмон килик, ёмон феъл килмаган зот эдилар» - дейдилар.

Яхши хулк эгаси бўлиш бирорга
эмас, ўзингизга фойда. Машойихлар
эkkанингни ўрасан деб бежиз
айтишмаган.

Келинг, яхши хулк ўз ичига олган
кўп одоблардан бири бўлмиш –
рахмдилликни мисол килиб олайлик.
Рахмдил бўлсангиз, раҳмли
зот Аллоҳ раҳматига сазовор
бўласиз. Пайгамбар саллоллоҳу
алайхи ва саллам «Ердагиларга раҳм
килинг, сизга осмондаги зот раҳм
килур!» - дейдилар. Бошка бир
хадисда «Аллоҳ бандалари орасида
раҳмдил кишиларгагина раҳм
килади» - деганлар.

Аксинча, берахм, тошбагр
кишиларга Аллохнинг хам раҳми
келмайди. Расулуллоҳ саллоллоҳу
алайҳи ва саллам шундай дейдилар:
«Кимки одамларга раҳм этмас
экан, Аллоҳ хам унга раҳм
килмайди».

Аллохнинг раҳматига сизда андак
бўлсада интилиш бўлса, ўзингизга
хам, бошқаларга хам раҳмдил
бўлинг, яхшилигингиҳни дариг
тутманг! Жохилга илмингиз, хору-
зор бўлганга мансабингиз,
камбагалга молингиз билан раҳм
этинг. Каттаю кичикдан меҳр-
шафкатингизни аяманг, гуноҳкор,
осий бандалар хакига доим дуода

бўлинг. Хайвонлар хам сизнинг
мехрибонлигингиз,
рахмдиллигингиздан бебахра
колмасин! Билингки, Аллохнинг
рахматига энг якин киши – энг
мехрибон, энг раҳмдил кишидир.

Яна олий хислатлардан бири –
мусулмонларга холис хизмат килиб,
уларга ёрдам бериш хислатини
олайлик. **Расулуллоҳ саллоллоҳу**
алайхи ва саллам шундай дейдилар:
«Кимки ўз биродарининг хожатини
чикариш йўлида бўлса, Аллоҳ унинг
хожатини чикаради. Кимки дунёда
мусулмон биродарининг айбини
ёпса, киёмат куни Аллоҳ унинг
айбини ёпади». Яна бир хадисда

«Кимки бир мўмин бошидан дунё
кийинчиликларидан,
мусибатларидан бирини
аритса, Аллоҳ унинг бошидан
киёмат куни бўладиган
кийинчиликлардан бирини аритади.
Кимки бир кийналган одамнинг
мушкулини осон
килса, Аллоҳ дунёю охиратда унинг
мушкулини осон килади. Ким бир
мусулмоннинг айбини
бекитса, Аллоҳ дунё ва охиратда
унинг айбини бекитади. Банда,
модомики ўз биродари хизматида
экан Аллоҳ унинг кўмакчиси
бўлади» - дедилар.

Мухтарам биродар! Киши айрим
хожилар, зиёратга келган
кишиларнинг ахволига назар ташлар
экан, **жуда аянчли холатнинг гувохи**
бўлади: Ростгўйлик ўрнига ёлгонни,
рахмдиллик, мулойимлик ўрнига
кўрслик, кўполликни, вафо, омонат
ўрнига хиёнатни кўради. Очик
юзлик, кечиримлилик ўрнини қахру
газаб, беозорлик ўрнини дилозорлик,
саховат ўрнини баҳиллик эгаллаган.
Одамлар бир-бирларига кани,
мархамат, дейиш ўрнига, жой,
ичимлик ёки таом хусусида
талашиб, тортишадилар,
камтаринлик ўрнини кибр, адолат ва

инсоф ўрнини эса ноинсофлик ва зулм ишгол этгандир!

Шунда ўз-ўзидан савол тугилади:
булар чиндан хам мусулмонми?
Ундок бўлса... кани иффат? Кани омонат? Хаё кани?! Бечораларга раҳм килиш, камбагалнинг бошини силаш каёқда колди?! Мусулмонлар ўртасидаги ўзаро мухаббат, меҳр-шафкат каёкка йўколди?!

Азиз биродар, сиз хам, шубхасиз,
ушбу кабих феълларнинг гувохи бўласиз: Ибодат килаётганингизда туртиб-суртиб ўтаётганларни, тавоғ ва сайдада азият бераётганларни, сигарет хиди бошкаларга етмасин

деб хижолат чекмай бадбўй
хидларни «таратиб», сизни
кийнаётган кишиларни кўрасиз.
Эҳтимол, баъзилар сизни ёмон
сўзлар билан бўралаб сўкиб колар.
Хуллас, бу муборак жойларни
улуглаш ўрнига, хурматини оёк ости
киладиган, бу ерларни чикиндилар,
ахлатлар каби моддий
ифлосликлардан, гунохлар,
бидъатлар, фиску фасод, одамларга
озор бериш каби маънавий
чиркинликлардан тозалашга эътибор
бермайдиган одамларни кўплаб
учратасиз. Ажаб, уларга нисбатан
кандай муомалада бўлсак экан?
Дархол улардан ўч олиб, бирни икки

килиб кайтарсакмиカン? Агар шундай килсак, улардан фаркимиз колмайди, покиза ерларда, муборак пайтларда ахлоксизликни ёйишда уларга ўз улушимиzinи кўшган бўламиз.

Аслида, буларга нисбатан бизнинг муомаламиз, Аллоҳ буюргандек, кечиримлилик, ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш бўлмоги лозим.
Аллоҳ таоло шундай дейди:

(وَالْكَاظِمِينَ الْغَيْظَ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ) (آل عمران: ١٣٤)

«У такводор зотлар... газабларини ичларига ютадиган, одамларнинг хато камчиликларини афв этадиган кишилардир. Аллоҳ бундай яхшилик

килувчиларни севади» (Оли Имрон: ۱۳۴).

Бошка бир оятда мўминларни сифатлаб, бундай дейди:

(وَيَدْرُأُونَ بِالْحَسَنَةِ السَّيِّئَةَ أَوْلَانِكُ لَهُمْ عُقْبَى الدَّارِ) (الرعد: ۲۲)

«...ёмонликни яхшилик билан кайтарадиган зотлар - ана ўшалар учун охират диёри (жаннат) бордир» (Раъд: ۲۲).

Яна бир оятда эса:

(وَلَا تَسْتَوِي الْحَسَنَةُ وَلَا السَّيِّئَةُ ادْفَعْ بِالَّتِي هِيَ أَحْسَنُ فَإِذَا أَذْدِي بَيْنَكُ وَبَيْنَهُ عَدَاوَةً كَانَهُ وَلِيٌّ حَمِيمٌ) (فصلات: ۳۴)

«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (хар кандай ёмонликни)

энг гўзал сўзлар билан даф килинг!
(шунда) баногох, сиз билан
ўрталарингизда адоват бўлган кимса
кайнок – содик дўст каби бўлиб
колур» (Фуссилат: ۳۴).

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва
саллам айтадилар: «Садака килиш
 билан мол харгиз камайиб колмайди.
Банда кечиримли бўлар экан, Аллоҳ
уни азиз киласи. Кимки нотавон,
бечоралигини изхор этиб, Аллоҳга
бosh эгса, Аллоҳ унинг мартабасини
янада юкори киласи».

Шу ўринда расулуллоҳ саллоллоху
алайхи ва салламдаги етук инсоний
фазилатларга бир назар

ташласак, ёмон бўлмасди. У зот энг азиз, энг мукаррам, энг улуг инсон бўлсаларда, бирон марта хам ўзлари учун бирордан касд олмаганлар.

Оиша онамиз шундай дейдилар:
«расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари учун хеч качон бирорлардан касд (**ўч**) олмасдилар.

Лекин, Аллоҳга бехурматлик килинганда – буйруклари бажарилмасдан, кайтарикларидан кайтилмай, харом ишларга кадам кўйилганда, Аллоҳ учун каттик газабланиб, гунохкорнинг жазосини берардилар». **Анас ибн Молик** хикоя киладилар: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам билан йўлда

кетаётиб эдим, у кишининг
эгниларида кўпол жиякли нажроний
тўн бор эди. Оркаларидан бир
аъробий етиб келдида, тўнларидан
шундай каттик тортдики, бунинг
зарбидан тўннинг жияги
пайгамбарнинг муборак бўйинларига
ботиб кетиб, из колдирганини
кўрдим. Сўнгра у одам бу хам
етмагандек, «Эй Мухаммад,
хузурингдаги Аллохнинг молидан
менга хам ажрат!» - деди. Пайгамбар
саллоллоху алайхи ва саллам унга
бурилиб караб, кулдиларда,
байтулмолдан унга мол ажратишга
буйрук бердилар».

Шундай экан, нега биз бир мусулмондан озгина озор етиши билан газабланамиз? Нима учун бир биродаримизда учраган кичкина хато туфайли кизариб-бўзарамиз? Гўё душманга карши жангда тургандек олишамиз?! Аллоҳ таолонинг «Мўминлар хеч шубхасиз оғаниилардир» (Хужурот: ۱۰) деган сўзи эсимсиздан чикдими?! Расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва салламнинг «мусулмонлар ўзаро мухаббат, раҳмдиллик ва хамдардликда худди бир танага ўхшайдилар: бир аъзо касалга чалинадиган бўлса, тананинг бошқа аъзолари хам шу аъзога уйкусизлик ва иситма билан жавоб

беради» деган сўзлари кайда колди?!
Ушбу покиза жойларда, муборак
вактларда ўзни тийиб, яхши хулклар
билин одобланмас эканмиз, качон
одобга кирамиз, айтинг, качон?!

Агар Аллоҳ бизни тўгри йўлга
бошласин, деган ниятда бўлсак,
ўзимизга кайта мурожаат
килмогимиз, нафсимизни яхши
феълларни килишга каттиқ
ундамогимиз, бу хусусда уни каттиқ
назорат килиб турмогимиз зарур.

Аллоҳ таоло шундай дейди:

(وَالَّذِينَ جَاهَدُوا فِيهَا لَنَهْدِيَنَّهُمْ سُبْلًا وَإِنَّ اللَّهَ لَمَعَ الْمُحْسِنِينَ) (العنکبوت: ٦٩)

«Бизнинг (йўлимизда) жиход килган
— курашган зотларни албатта ўз

йўлларимизга хидоят килурмиз.
Аникки, Аллоҳ чиройли амал
килгувчи зотлар билан биргадир»
(Анкабут: ۷۹).

Тўққизинчи мактуб

Азиз биродар, хаммамизни Аллоҳ
таоло фиску-фужурдан сакласин, сиз
мутика ва куй-ёмонлик элчиси,
бузуклик ўчоги, халкларнинг онгини
захарлаб, жамиятни бузадиган нарса
эканлигини биласизми?!

Бу касаллик жуда кўп халкларнинг
аклини ўтмаслаштирган, уларни
кўплаб ютуқ ва маърифатдан маҳрум
килиб, шахвоний табиатини кўзгаб,

охир окибат расволикка дучор
этгандир.

Тарих гувохлик беришича, мусика
гирдобига тушган хар кайси халк
нотавонлик ва ахлокий хамда рухий
касалликларга гирифтор бўлади. Рум
ва Форс халклари бунга жуда яккол
мисол бўла олади. Оврупо
халкларининг кандай халокат
боткогида ётганлиги хаммага
маълум.

Афсуски, кўп мусулмонлар ўтган
умматларнинг йўлига эргашиб кетди,
кўпчилик уйида, машинасида, хатто
ишхона-дўконида мусикани кўймай
эшитадиган бўлиб колди! Вахоланки,

музыканинг харомлигига,
тиришкоклик талаб киладиган, пок,
юксак ислом дини таълимотларига
зид эканлигига далиллар жуда кўп!

Аллоҳ таолонинг
буйрукларини бажариш харакатида
юрадиган, Аллоҳ таоло ва
расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва
салламга тўлиқ содик эканликларини
эълон киладиган, ислом
кўрсатмаларига тескари бўлган
хошиш – истаклардан ва урф-
одатлардан воз кечадиган, «Аллоҳ
номи зикр килинганида калбларига
кўркинч тушадиган, унинг оятлари
тиловат килинганда иймонлари зиёда
бўладиган ва парвардигорларигагина

суяна́диган» (Анфол:۲) хаки́кий мӯми́нларга; кўп киши́ларни́нг назарларида яхши амалга айланиб колган бу мункар – кабих амал хакида́ги Аллох ва росули́нинг хукми́ни айти́б ўтами́з:

Аллох таоло айтади:

(وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَشْتَرِي لَهُوَ الْحَدِيثُ لِيُضِلَّ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ وَيَتَجَذَّبُ هُزُواً أُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ مُّهِينٌ) (القمان: ۶)

«Одамлар орасида шундай кимсалар хам борки, улар билимсизлик билан (ўзгаларни) Аллохни́нг йўлидан оздириш учун ва у (йўл)ни масхара килиш учун бехуда сўз (лар)ни сотиб олур. Ана ўшалар учун хор килгувчи азоб бордир». (Лукмон:۱)

Сахобалар бу оятдаги «бехуда сўз»
дан максад мусика эканлигини
айтганлар:

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху
анху : «Ягона Аллоҳ номига
касамки, бунинг маъноси
музыкадир» деб уч бор
кайтардилар.[\[ξ ۶\]](#)

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху
анхумо хам шу оятни: «Мусика ва
унга кулок солиш» деб тафсир
килганлар.[\[ξ ۷\]](#)

Мужохид, Икрима, Хасан ал-Басрий,
Саъид ибн Жубайр, Катода, Нахаъий
каби кўпчилик тобеинлар хам мазкур

оятни «мутика» деб тафсир килишган.

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам айтадилар: «Роббим менга арок, кимор, «ковба» ва «киттийн»ни харом килди». [ξΛ]

«Ковба» сўзи хакида Хаттобий айтадилар: «Бу сўзни «ногора» деб изохлашган, баъзилар нард дейишади. Бу сўз хар кандай торли мусика асбоблари маъносида хам ишлатилади.

«Киттийн» - хабаш тилида танбур маъносида бўлиб, бу хадиснинг ривоятчиларидан бири «удга

ўхшаган мусика асбоби» - деб изох берган.

Яна бир хадисда шундай дейдилар: «Кўнгирок шайтоннинг сурнайларидан биридир». [٤٩]

Бошка бир хадисда шундай дейдилар: «Менинг умматимда зино, арок, ипак ва мусикани халол дейдиганлар чикади...». [٥٠]

Хадисда музикани харомлиги хаммага маълум бўлган зино, арок ва шойи кийим кийиш билан бирга айтилганига эътибор беринг - а!

Расулуллох саллоллоху алайхи ва саллам: «Менинг умматимдан бир тоифаси охир замонда тўнгиз ва маймунга айлантириб кўйилади» - дедилар. Шунда сахобалар, ё расулуллох улар ла илаха иллаллох Мухаммадур-расулуллох? – дейишмайдими деб сўраганларида, пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам: «Улар намоз ўқийдилар, рўзаларини хам тутишади, хаж хам киладилар» - дедилар. «Ундай бўлса, нега бундай азобга гирифтор бўладилар?» - дейишганида, «азоб мусика сабабли бўлади: доира чалиб, раккосаларнинг раксини тамошо килиб, кечани ўйин-кулгу ва ичкилик

билин ўтказадиларда, тонгда тўнгиз ва маймунларга айланиб коладилар» - дедилар.[\[০১\]](#)

Ибн Масъуд розияллоху анху айтадилар: «Сув экинни кандай ўстирса, мусика калбда нифокни шундай ўстиради».[\[০২\]](#)

Ибн Аббос розияллоху анхумо айтадилар: «Чилдирма харом, торли мусика асбоблари харом, кавба харом, сурнай харом».[\[০৩\]](#)

Тўрт мазхаб уламолари хам музиканинг харомлиги борасида ихтилоф килишмаган.

Имом Абу Ханифа –рохматуллохи алайхнинг- мазхаблари музика борасида бошка мазхабларга нисбатан каттикроқдир: Мазхаб олимлари хар кандай мусикани –хоҳ най билан чалинсин, хоҳ бошка асбоби билан бўлсин-харом, мусика эшитган киши фосик, гувоҳлиги ўтмайди-деганлар.

Имом Молик –рохматуллохи алайхдан мусика хакида сўрашганда, уни бизда фосиклар эшитади, холос-деб жавоб берган эканлар.

Имом Шофеъий –рохматуллохи алайх: Багдод шаҳрида бединлар «тагбир»[\[০৪\]](#) деган нарса ўйлаб

топиб одамларни куръондан
тўсишяпти –дедилар.

Шофеъий мазхабидаги олим Ибн Салоҳ айтадилар: кўшикка чилдирма ёки най кўшилса, мазхаб имомлари хам, бошка олимлар хам эшитиш харом дейишган.

Имом Ахмад ибн Ханбал –
роҳматуллоҳи алайх- [айтганлар](#):
«Мусика калбда мунофикаликни
пайдо киласи, танбурга ўхшаш
мутика асбоблари синдириб
ташланиши керак».

Бу хукмдан аёллар мустаснодир.
Лекин, уларга хам хар кандай кўшик
халол бўлмасдан, [балки куйидаги](#)

шартлар топилсагина рухсат
этилади:

۱. Шеър ёки лапарда бузук ва ифлос сўзлар бўлмаслиги зарур.
۲. Чилдирманинг ўзи бўлиши керак, бошка мусика асбоблари харом килинган.
۳. Ийд (**хайит**) ёки тўй куни бўлиши керак.
۴. Аёллардан бошқалар иштирок этмаслиги лозим.

Мазкур шартларнинг далили:

Омир ибн Саъд айтади: «Абу
Масъуд, Кураза ибн Каъб ва Собит

ибн Зайдларнинг олдларига кирдим.
Бир неча киз чилдирма чалиб ашула
айтиб туришган экан,
«Сахобасизлару бу ишни инкор
килмайсизларми?!» - десам «тўйда
бизга рухсат берилган» -
дедилар.[oo]

Оиша розияллоху анҳо айтадилар:
«Хайит куни пайгамбар саллоллоху
алайхи ва саллам менинг уйимда
эдилар, кўшикчи бўлмаган оддий
икки ансорий киз Буъос жангидা
ансорийлар айтган кўшикларни
айтиб туришган эди, шу вакт Абу
Бакр розияллоху анҳу кириб
колдиларда, «Расулуллох саллоллоху
алайхи ва салламнинг уйларида

шайтон кўшиклари нима килади?!» - дедилар. Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам «Э Абу Бакр, хар кавмнинг байрами-ийди бўлади, бугун бизнинг ийдимиз» - дедилар.

Ўша кизчалар хайит кунида жангга чорловчи кўшикларни чолгу асбобларисиз айтаётган эдилар.

Азиз биродар, келинг куйидаги икки оятни тадаббур килиб, маъноларини чакишга харкат килиб кўрайлик.

Аллоҳ таоло айтади:

(إِنَّمَا يُسْتَحِبُّ الَّذِينَ يَسْمَعُونَ وَالْمُؤْمَنَى يَبْعَثُهُمُ اللَّهُ ثُمَّ إِلَيْهِ يُرْجَعُونَ) (الأنعام: ٣٦)

«Албатта, эшита оладиган зотларгина (сизнинг даъватингизни)

кабул килурлар. Ўликлар (кофирлар) ни эса Аллох тирилтирур. Сўнгра ўзига кайтарилурлар». (Анъом: ٣٦)

Аллох таоло айтади:

(فَإِنْ لَمْ يَسْتَجِبُوا لَكَ فَاعْلُمْ أَنَّمَا يَتَّبِعُونَ أَهْوَاءَهُمْ وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّنْ اتَّبَعَ هَوَاهُ بِغَيْرِ هُدًىٰ مِنَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ) (القصص: ٥٠)

«Энди агар улар сизга жавоб бера олмасалар, бас, билингки улар факат хавои нафсларигагина эргашурлар. Аллох томонидан хидоятланмаган холда ўз хавои нафсига эргашган кимсадан хам йўлдан озганрок ким бор?! Албатта Аллох бундай золим кавмни хидоят килмас». (Касас: ٥٠)

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам айтадилар: «**ким ноҳак эканини билатуриб тортишаверса, хатосидан кайтмагунча Аллохнинг газабида бўлади».**[\[০৭\]](#)

Хожи биродарим, Аллоҳ ўзи асраб, тўгри йўлдан оздирмасин!

Пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам айтадилар: «Ким хаж килиб, бехаё-бепарда сўз айтмаса ва гуноҳ ишлар килмаса, онадан янги тугилган чакалокдек бегуноҳ бўлиб колади».[\[০৮\]](#)

Бошка бир хадисда эса «Хажжи мабурнинг жаннатдан бошка ажри йўқ!» - дедилар.

Агар шу ажрни кўлга киритган бўлсангиз, Аллохнинг номига касам ичиб айтаманки, сиз улуг-азиз одамсиз! Энди гуноҳ ишлар килиб, тоат-ибодатларни ташлаб бу ажрни йўқ килиб юбориш ёки камайтириб кўйишдан эхтиёт бўлинг! Чунки, хаждан кейин яхши амаллар килиб тоат-ибодатда бўлиш, мункар-ёмон ишларни ташлаш хажингиз кабул бўлганининг алматидир. Аксинча, гуноҳ килиб, яхши амалларга бепарво бўлиш эса, хажни кабул бўлмаганининг алматидир.

Азиз биродарим! Хаждан топган фойдангиз «**фalonчи хожи**» деган номгина бўлиб колмасин! Аллохнинг

номига касам ичиб айтаманки, бу ном сизга Аллох таоло хузурида хеч кандай фойда бермайди! Бугун эрта бу ташвишли дунёни чор-ночор тарк этган вактингизда амалларнинг хажми ёки жимжимадор номи эмас, балки Аллох даргохида кабул бўлиши сиз учун канчалик мухим эканини англайсиз!

Аллох таоло хажингизни мабур килган бўлсин, гунохларингизни кечсин, килган саъй-харакатларингизни макбул айласин, оила-фарзандларингиз кучогига, юрtingизга сог-саломат улуг ажрлар билан кайтарсин! Бу ишларга ундан ўзга хеч ким кодир эмас!

Пайгамбаримиз

Мухаммад саллоллоху алайхи ва салламга, у зотнинг ахли байтларига ва барча асхобларига яратганинг салавоту саломлари бўлсин. Бутун оламларнинг хожаси-Аллоҳ таолога хамду санолар бўлсин. Охир окибат такводорларники бўлур.

(۱)-Бухорий ۱۰/۳۶۷ ва Муслим ۳۵۸۶-
хадис Нўймон ибн
Башир розияллоху анхудан ривоят
килишган.

(۲) – Бухорий ۹/۷۲ ва Муслим ۲۵۸۵-
хадис Абу Мусо ал-

Ашъарий розияллоху анхудан
ривоят килишган.

(۱) – Бухорий ۵/۲۲۱ ва Муслим ۱۷۱۸-
хадис Оиша розияллоху анходан
ривоят килишган.

(۲) – Муслим ۱۲۱۸-хадис ва Абу
Довуд ۱۹۷۰ - хадис
Жобир розияллоху анхудан ривоят
килишган.

(۳) – Ихром иккита оқ мато бўлиб,
елкага ташлаб олинадиган кисми
ридо, белдан пастга ўраб
олинадигани эса изор деб аталади.

(۴) – «Мутаматтеъ» - аввал умра
амалларини бажариб, ихромдан

чиккандан сўнг хажга ихром
боглаган кишидир.

(۱) – «Хадй» сўзи жонлик
маъносида бўлиб, хожи Аллохнинг
розилиги умидида сўядиган тую,
сигир кўй ёки эчкилар назарда
тутилади.

(۲) – Меваси дўланага ўхшаб
кетадиган бута ўсимлик.

(۳) – Бухорий ۱۲۰۷- хадис ва
Муслим ۱۲۰۷- хадис ривоят
килишган.

(۴) – Бу муддат тош отиш, жонлик
сўйиш, соч олиш ва тавофул ифоза
килиш билан тугайди.

- (⁹) – Бухорий ۱۸۳۸- хадис.
- (۱۰) – Абу Довуд ۱۰۶۲ – хадис, Ибн Можжа ۲۹۲۶ – хадис ва Ахмад ۲۲۸۹۴ - хадис ривоят килишган.
- (۱۱) – «Макоми Иброхим» - Каъбанинг шаркий томонида жойлашган тош бўлиб, Иброхим алайхис-салом Каъбани бино килаётганларида ана шу тош устида турганлар. Хозир тош атрофи кубба шаклида ихота килиб кўйилган.
- (۱۲) – Каъба якинидаги икки тог.
- (۱۳) – Тош отиладиган уч жойнинг Маккага якинрорги.

(۱) – Бухорий ۲/۷۶ ва Муслим ۴/۱۲۵
ларда ривоят килганлар.

(۲) – Бухорий ۳/۴۹ ва Муслим ۴/۱۲۳
ларда ривоят килганлар.

(۳) – Ахмад ۳/۴۸۷, Насаайй ۲/۳۷ ва
бошкалар ривоят килишган.

(۴) – Муслим ۲/۶۷۱ ва Ахмад ۶/۲۲۱
ривоят килишган.

[۲۰] - Абу Довуд ۴۶۰-хадис, Абу
Усайд ал-Ансорийдан, Тирмизий
۳۱۴- хадис ва Ибн Можа ۷۷۱- хадис
Фотимадан ривоят килишган.

[۲۱] - Кичик одимлаб тез юриш.

[۲۲] - Каъбанинг шимолий томонида ярим доира шаклида ихота килиб кўйилган жой.

[۲۳] - Хушуъ – Аллохнинг буюклигини, унинг хамма нарсаларни билиб турувчи меҳрибон, айни пайтда, кахри каттик бир зот эканини чукур хис эттириб, килган гунохларига, агар Аллоҳ ўз марҳаматига олмаса, азоб келишини сездириб, юракни титратиб турувчи ички бир туйгудир.

[۲۴] - Имом Ахмад ۷۰، ۱۳۹، ۶۴۱۶- хадислар, Ибн Абу Шайба («Мусаннаф» ۴۳۲- хадис) Абу Довуд ۱۸۸- хадис, Хатиб «Тарихи Багдод»

۱۱/۳۱۱ ва Ибн Хузайма ۲۸۸۲, ۲۹۷۰-хадисларда Оиша онамиздан ривоят килишган.

[۲۵] - Имом Бухорий ۸/۳۸۶ ва имом Муслим ۲۰۷-хадис Ибн Аббос ва Абу Хурайра розияллоху анхумодан ривоят килишган.

[۲۶] - Имом Муслим ۳۸۴-хадисда ривоят килган.

[۲۷] -Бу икки калима кискача «яхши кўриш» ва «ёмон кўриш» маъносини берсада, бирок бунинг замирида нихоятда кенг маъно ётади. Зотан, ислом ана шу асосда – мусулмонларни яхши кўриш, улар ўртасидаги ўзаро муҳаббат,

кофирларни эса ёмон кўриш, уларни душман деб билиш асосида курилган. Куръон ва суннатга очик калб билан мурожаат килган киши буни яхши англайди. Лекин бу ўринда шуни айтиб ўтмок керакки, «Кофирларни ёмон кўриш, уларни душман деб билиш» деган жумладан хурматли ўкувчи «Кофирларга озор берса бўлар экан, уларга яхшилик килиб бўлмас экан» деган маънони зинхор тушунмаслиги лозим. Балки, ислом кишиларга, агарчи кофир бўлсалар хам, озор бермаслик, одамларга яхшилик килиш маданиятининг чўккиси хисобланади. Лекин бу ерад биз

таъкидлаётган масала – кофирларни ёмон кўришдан максад – шундай Буюк Аллоҳ буйрукларига бўйсунмаётганликлари, юборган пайгамбарининг таълимотларига итоатсизлик килаётганликлари учун уларга нисбатан дилда нафрат уругларини сакламок, уларга ёрдам бериб, мусулмонларга зарар етказиб кўйишдан эхтиёт бўлмок демакдир. Лекин шу билан бирга ислом ўз фойдасини билмаётган, Аллохнинг йўли ёп-ёргуг чарогон бўлиб кўриниб турсада, жаханнам томон кетаётган бу кофирларга раҳм килишга, уларни тўғри йўлга чакиришга буюрган. Зеро, Аллоҳ ислом динини бутун

башариятга нажот йўли килиб юборгандир.

[۲۸] - Бу хадисни Абу Довуд ۴۰۳۱- хадис ва Ахмад ۲۰۰ да ривоят килишган.

[۲۹] - Бу мавзуда Солех ал_Фавзоннинг «ал Валоу вал-Баро» китобига каранг.

[۳۰] - Имом Ахмад ۳۱۱۷, Ибн Можа ۲۶۹۷- хадис ва Хоким ۳۰۷ Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят килишган.

[۳۱] - Муслим ۸۸- хадис Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхудан ривоят килган.

[۳۲] - Ахмад ۰/۳۴۶ , Термизий ۲۶۲۳ –хадис ва Ибн Можа ۱۰۷۹- хадис Бурайда ибн Хусайб розияллоху анхудан ривоят килишган.

[۳۳] - Бу асарни Термизий ۲۶۲۴- хадис ва Хоким ۱/۸ да ривоят килишган.

[۳۴] - Бухорий, Фатх ал-Борий ۲/۱۴۸ ва Муслим ۶۰۱- хадис ривоят килишган.

[۳۵] - Имом Бухорий ۰/۹۴ ва имом Муслим ۸۹- хадис Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят килишган.

[۳۶] - Завоидул-Баззор ۱۶۹- бет.

[۳۷] - Ат-Таргиб ват-тархиб ۲/۰۲ ва
Мажмаъуз-завоид ۵/۱۱۸ бетга
каранг.

[۳۸] - Имом Ахмад ибн Ханбал ۱/۱۹.
Бужола ибн Абдадан ривоят килган.

[۳۹] - Имом Молик Муваттаъ ۲/۸۷۱
ва Термизий ۱۴۶۰ - хадисларда
ривоят килишган.

[۴۰] - Бухорий ۱۰/۲۲۱ ва Муслим
۲۱۸۹ - хадисда ривоят килишган.

[۴۱] - Аллохнинг барча каломи айбу
нуксондан холи, мукаммал
бўлганлиги, паноҳ
тиловчига Аллохнинг изни билан
фойда бериб, балою-офатлардан

сакловчи экани боис пайгамбар саллоллоху алайхи ва саллам шундай деганлар.

[42] - Муслим ривояти ۲۱۸۶-хадис.

[43] - Абу Довуд ۳۱۰-хадис ва Тирмизий ۲۰۸۴- хадисларда ривоят килишган.

[44] - Бухорий ۱۰/۱۷۶ ва Муслим ۲۱۹۱- хадисларда ривоят килишган.

[45] - Хоким ривоят килган Сахихул-жомеъ ۱۸۸۰- хадисга каранг.

[46] - Тафсирут-Табарий ۱۰/۲۰۲.

[47] - Тафсирут-Табарий ۱۰/۲۰۳.

[٤٨] - Имом Ахмад Ибн Аббос ва
Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху
анхумодан ривоят килган.
«Алфатхур-раббоний» ۱۷/۱۳۲.

[٤٩] - Имом Муслим ۲۱۱۴- хадис ва
Абу Довуд ۲۰۰۷-хадисларда ривоят
килган.

[۵۰] - Имом Бухорий ривоят килган,
Фатхул-борий ۱۰/۵۱.

[۵۱] - Бу хадис Абу Хурайра, Оиша,
Имрон ибн Хусайн, Абу Молик, Абу
Саъид ал-Худрий, Али ибн Абу
Талиб, Абу Умома ва бошка бир
неча сахобалардан накл килиган
бўлиб, хасан хадисдир.

[۵۲] - Ибн Абуд-Дунё ривоят килган.

[۵۳] - Саъид ибн Мансур ривоят килган.

[۵۴] - Ибнул-Каййим айтадилар:
«Тагбир охиратни ёдга соладиган шеър айтаётганларида ёстик ёки шолчага шеърнинг охангига мослаб уриб туришдир...» Игосатул-Лахфон ۱/۳۴۷-۳۵۱.

[۵۵] - Насоий ۲/۹۳, Таёлисий ۲۲۱-хадис, Ибн Абу шайба, Хоким ва бошкалар ривоят килишган.

[۵۶] - Ахмад ۲/۷۰ ва Абу Довуд ۳۰۹۷ – хадисларда ривоят килишган.

[[97](#)] - Бухорий ۳/۳، ۲ ва Муслим
۱۳۰، -хадисларда ривоят килишган.